O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KUTUBXONASI
INV.№

Kuch – bilim va tafakkurda

Ma'rifat

ENLIGHTENMENT • XALQ ZIYOLILARI GAZETASI • معرفت

1931-yildan chiqa boshlagan 2010-yil 9-yanvar, shanba № 2 (8235) ISSN 2010-6416

БОҚИЙ ФИКРЛАР

Ҳунар — оқар булоқ,
Илм — ёнар чироқ.

Ўзбек халқ мақоли

ИККИНЧИ БОСҚИЧ

кейинги тур учун ғолибларни аниқлаб беради

Қишки таътил кунлари ниҳоясига етаётган айни паллада кенг жамоатчилик мамлакатимизнинг барча туманларида фан олимпиадаларининг иккинчи босқичи ўтказилаётганига гувоҳдир. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, Халқ таълими вазирлиги, шунингдек, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази ҳамкорлигида 2009 йилнинг 1 майида қабул қилинган қўшма қарори асосида ўтказилаётган фан олимпиадаларида кейинги — вилоят, шаҳар босқичи учун ғолиблар сараланаяпти.

СИНОВЛАРДА ЧАРХЛАНАР БИЛИМ

Энг иқтидорли ва қобилиятли ўқувчиларни аниқлашда шубҳасиз умумтаълим фанлари бўйича ўтказиладиган олимпиадаларнинг ўрни катта.

Пойтахтимиздаги М.Турсунхўжаев номидаги тиббиёт коллежида академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари ўртасида бўлиб ўтган биология фанидан туман олимпиадасида биринчи босқичда муносиб қатнашиб, иккинчи босқичга йўлланма олган ўқувчи-ёшлар ёзма иш, лаборатория машғулоти ва тест синовларидан ўтишди.

— Фан олимпиадасини одилона, ҳаққоний ўтказиш мақсадида ўқувчиси иштирок этмаётган ўқитувчилардан иборат ҳайъат аъзолари ва кузатувчилар беллашув жараёнини баҳолаб боришди, — дейди Тошкент шаҳар ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази масъул ходими Раъно Бобоева. — Синовларда ўқувчиларнинг умумтаълим фанларидан олган назарий билим, амалий кўникма ва малакалари, имло саводхонлиги даражаси, мисол ва масалаларни еча олиш маҳорати, лаборатория тажрибаларини ўтказа олиш қобилияти балл тизимида баҳоланди.

3-бетга қаранг



Б.Ризоқулов ва В.Гранкин олган суратлар.

ГАЗЕТАНИ ВАРАҚЛАГАНДА:

МАХСУС КУРСГА МУКАММАЛ ТАЙЁРГАРЛИК 5-бет

КОНСПЕКТ ЁЗГАН ЎҚУВЧИ ЮТҚАЗМАЙДИ 10-бет

САРҲАДЛАРИ МУСТАҲКАМ ЮРТ 11-бет

РАҚСДА ҚИШ НАФОСАТИ 15-бет

Ayrim saylov okruglari bo'yicha takroriy ovoz berish zaruriyatining vujudga kelgani ham siyosiy partiyalar tomonidan deputatlikka ko'rsatilgan nomzodlar o'rtasida deputatlik mandati uchun kuchli raqobat – kurash olib borilganligidan dalolat beradi.

Ma'rifat
2010-yil 9-yanvar

МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

8 январь куни Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисни Комиссия раиси М.Абдусаломов олиб борди.

"Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги қонуннинг 52-моддасига мувофиқ, Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоларининг сайловини ташкил этиш ва ўтказиш билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқди.

Мазкур қонуннинг 50-моддасига кўра, Сенат аъзолари Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан тенг миқдорда – олти кишидан сайланади. Олий Мажлис Сенатига сайлов Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатларининг тегишли қўшма мажлисларида мазкур депутатлар орасидан яширин овоз бериш йўли билан ўтказилади.

Марказий сайлов комиссиясининг қабул қилинган қарорига биноан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоларининг сайлови бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатларининг тегишли қўшма мажлислари 2010 йил 18-23 январь кунлари ўтказилиши лозим.

Комиссия аъзолари шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари сайлови бўйича айрим сайлов округларида 2010 йил 10 январда ўтказиладиган такрорий овоз беришга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш юзасидан белгиланган комплекс тадбирлар ижросини кўриб чиқди.

Такрорий овоз бериш ўтказиладиган 39 та сайлов округида такрорий овоз беришни қонун талаблари асосида, уюшқоқлик билан юксак демократик савияда ўтказиш учун барча ташкилий чоралар кўрилди. Такрорий овоз бериш бўйича сайлов бюллетенлари Марказий сайлов комиссияси томонидан нашр қилиниб, ўз вақтида тегишли сайлов округлари ва участкаларига етказиб берилди.

Мажлисда Марказий сайлов комиссияси ваколатига тааллуқли бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди ва улар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

(ЎзА)

ТАКРОРИЙ ОВОЗ БЕРИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ

2009 йилнинг 27 декабрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайлов бўлиб ўтди. Сайловнинг дастлабки натижаларига кўра 135 та сайлов округидан 39 тасида депутатликка номзодларнинг бирортаси ҳам сайланиш учун зарур миқдорда овоз тўплай олмади. Шу сабабли қонунчиликка мувофиқ, ушбу округларда такрорий овоз бериш ўтказилади. Ушбу жараённи ташкил этиш ва натижаларини аниқлаш тартиби тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси котиби Ойбек СОАТОВ Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги – ЎзА мухбирига қуйидагиларни сўзлаб берди:

– 2009 йил 27 декабрда давлат ҳокимияти вакиллик органларига бўлиб ўтган сайлов миллий сайлов тизимининг демократиклигини яна бир бор намойиш этди, – деди О.Соатов. – Сайлов амалдаги қонунчилик меъёрларига, унда белгиланган очиқлик, ошкоралик, муқобиллик ва адолат тамойилларига тўла мос ҳолда ўтди. Сайловда 15 миллион 108 мингдан зиёд киши ёки сайловчиларнинг 87,8 фоизи иштирок этди. Шу тариқа мамлакатимиз фуқаролари ўзларининг сиёсий етуклигини, Ватан келажаги учун масъулиятни ҳис этишини намойиш этди. Сайлов Ўзбекистонда Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан амалга оширилаётган кучли давлатдан кучли фуқаролик жамиятига ўтиш концепцияси самарадорлигининг яққол тасдиғи бўлди.

Округ сайлов комиссияларининг тегишли округ бўйича сайлов натижалари ҳақидаги баённомалари Марказий сайлов комиссияси томонидан кўриб чиқилди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари сайловини ўтказувчи 39 та сайлов округида депутатликка номзодларнинг бирортаси ҳам депутат бўлиб сайланиш учун зарур миқдорда овоз тўплай олмаганлиги аниқланди. Зеро, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги қонуннинг 44-моддасида белгиланганидек, овоз беришда иштирок этган сайловчилар ярмидан кўпининг овозини олган депутатликка номзод депутат этиб сайланган, деб ҳисобланади.

Айрим сайлов округлари бўйича такрорий овоз бериш заруриятининг вужудга келгани ҳам сиёсий партиялар томонидан депутатликка кўрсатилган номзодлар ўртасида депутатлик мандати учун кучли рақобат – кураш олиб борилганлигидан далолат беради. Шуни таъкидлаш керакки, барча сайлов округларида ҳар бир депутатлик ўрни учун 3-4 депутатликка номзод даъвогарлик қилди.

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги қонуннинг 45-моддасига кўра, агар сайлов округи бўйича депуталикка икки нафардан ортиқ номзод қўйилган бўлса-ю, улардан бирортаси ҳам сайланмаса, округ сайлов комиссияси энг кўп овоз олган икки нафар номзод бўйича округда такрорий овоз беришни ўтказиш ҳақида қарор қабул қилади ва бу ҳақда Марказий сайлов комиссияси ҳамда округ ҳудудидаги сайловчиларни хабардор этади.

Ушбу қонуний норма ва округ сайлов комиссиялари қабул қилган қарорларга биноан Марказий сайлов комиссияси ўзининг 2009 йил 30 декабрдаги мажлисида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига депутатлар сайлови бўйича айрим сайлов округларида такрорий овоз беришни ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилди ва бу қарор матбуотда эълон қилинди.

Мазкур қарорга кўра, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига депутатлар сайлови бўйича 39 та сайлов округида такрорий овоз бериш жорий йилнинг 10 январида бўлиб ўтади. Бу эса такрорий овоз бериш «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги қонунга мувофиқ ҳолда икки ҳафта муддат ичида ўтказилиши ҳақидаги қонунчилик нормасига мос келади.

Такрорий овоз беришда иштирок этган сайловчиларнинг овозини бошқа номзодга кўра нисбатан кўпроқ олган депутатликка номзод сайланган, деб ҳисобланади.

Марказий сайлов комиссияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига депутатлар сайлови бўйича айрим сайлов округларида такрорий овоз беришга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш бўйича тадбирлар дастури тасдиқланди.

Такрорий овоз бериш ҳам асосий сайловда бўлгани каби очиқ ва ошкора тарзда, миллий сайлов қонунчилигининг барча меъёрларига риоя қилинган ҳолда ўтказилади. У асосий сайловни ўтказиш учун ташкил этилган сайлов участкаларида, аввалги сайловчилар рўйхати асосида ўтказилади. Округ ва участка сайлов комиссиялари олдига такрорий овоз беришни Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги ва «Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги қонунлар талабларига қатъий риоя қилинган ҳолда ўтказилишини таъминлаш вазифаси қўйилган.

Такрорий овоз бериш учун сайлов бюллетенларини чоп этиш ва жойларга етказиб бериш ишлари Марказий сайлов комиссиясининг 2009 йил ноябрь ойида қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайлов бўйича сайлов бюллетени ва сайлов варақаси намуналарини тасдиқлаш тўғрисидаги қарорида белгилаган тартибда амалга оширилмоқда.

Шуни таъкидлаш зарурки, тегишли сайлов округларида такрорий овоз беришда иштирок этаётган депутатликка номзодларга сайловолди ташвиқотини олиб бориш ва шу мақсадда Марказий сайлов комиссияси белгилаган тартибда оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш ҳуқуқи берилган.

Шунингдек, 2010 йилнинг 10 январида маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларига депутатлар сайловини ўтказувчи 779 та сайлов округида ҳам такрорий овоз бериш ўтказилади.

ЎзА мухбири Анна ИВАНОВА ёзиб олди.



Қамаши тумани Оқработ маиший касб-ҳунар коллежида қишлоқ ёшлари саккиз йўналиш бўйича касб сирларини ўрганмоқда.

Айни вақтда бу ерда 920 нафар ўқувчига малакали ўқитувчи-мутахасислар таълим беради. Кенг ва ёруғ хоналар, замонавий ёпиқ спорт зали, кутубхона, компьютер зали ва бичиш-тикиш устахонаси улар хизматида.

Суратларда: Оқработ маиший касб-ҳунар коллежи машғулотларидан лавҳалар.

Шомурод ШАРОПОВ (ЎзА) олган суратлар.

МАКТАБЛАРДА КОМПЬЮТЕР ХОНАСИ

Марҳамат туманидаги янги таъмирдан чиқарилган 10та умумтаълим мактабида махсус компьютер хоналари ташкил этилди. Компьютер синфларига 15 тадан замонавий компьютерлар ўрнатилди.

Янги синфхоналарни замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш таълимни ривожлантиришга йўналтирилган Хитой Халқ Республикаси гранти асосида амалга оширилди. Ҳозирда тумандаги мавжуд 45та мактабнинг ўн биттасида шу каби грантлар ёрдамида янги компьютер синфлари ташкил этилган.

Шунингдек, маҳаллий фермер ва тадбиркорлар ҳомийлигида қолган мактабларда ҳам юқоридаги каби синфхоналар ташкил этиш ишлари бошлаб юборилган.

"Туркистон-пресс"

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ ИНТЕРНЕТ ТАРМОҒИГА УЛАНИШ ЮЗАСИДАН ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

Қўшимча маълумотлар учун:
(8 371) 239-13-43, 239-10-23 рақамларига телефон қилишингиз мумкин.

Аризалар танлов матбуотда эълон қилингандан бошлаб 10 кун давомида қабул қилинади.

— Maktabimizda oldinlari laboratoriya mashg'ulotlari o'tkazish uchun umuman sharoit yo'q edi, — deydi u biz bilan bo'lgan suhbatda. — Kapital rekonstruktsiya qilingach, bilim maskanimizda imkoniyatlar keskin o'zgardi.

Olimpiada — 2010

ИККИНЧИ БОСҚИЧ

кейинги тур учун ғолибларни аниқлаб беради

(Давоми. Боши 1-бетда)

418 НАФАР ҒОЛИБ БЕЛЛАШДИ

...Қайсики бола қандайдир фанга қизиқса, мактаб миқёсида энг юқори натижага эришади ва унинг ҳақиқатан билимдон эканлиги катта бир ҳудудда ҳам тан олиниши муқаррар. Ҳамза туманидаги 69-умумий ўрта таълим мактабининг 9-синф ўқувчиси Нодира Абдукаримова фан олимпиадаларининг туман босқичида биринчи ўринга лойиқ, деб топилар экан, аввало, устози, математика фани ўқитувчиси Сора Маҳкамованинг ҳам чеҳрасига илиқ, самимий табассум ёйилди.



— Бундай муваффақиятга эришишимни кутмагандим, ҳурсандман. Математикани фанларнинг отаси, дейишади. Унга қизиқишимнинг сабаби, оиламизда иқтисодчилар кўп, мен ҳам уларнинг изидан бормоқчиман. Олимпиаданинг туман босқичига пухта тайёргарлик кўришда устозлик қилган муаллимам Сора Маҳкамовадан миннатдорлигимнинг чеки йўқ. Таълимнинг кейинги босқичларида ҳам устозларимдан олган билим захираси пойдевор бўлишига ишончим комил.

Дарвоқе, пойтахтимиз — Тошкент шаҳрининг туманларида бўлиб ўтган фан олимпиадаларининг иккинчи босқичида Нодира Абдукаримова каби муайян фанга қизиқиши юқори, ўз тенгқурлари орасида зукколиги, зийраклиги, мушоҳадаси кенглиги билан ажралиб турадиган мактаб ўқувчилари фахрли биринчи, иккинчи ва учинчи ўринга муносиб деб топилди. Ҳамза туманидаги 244-умумий ўрта таълим мактабида бўлиб ўтган иккинчи тур беллашувларига ана шу ҳудуддаги 28та мактабдан 418 нафар ғолиб ўқувчи таклиф этилиб, саралаш босқичида улар яна бир бор «элақдан» ўтказилди.

Туман босқичини ўтказишдан аввал бунга қандай тайёргарлик кўрилди?

Бу — энг муҳим жиҳат, чунки мактаб босқичида ғолиб деб топилган ўқувчилар билими "тарози"га солиб кўрилганда, табиийки, иккинчи «зина»га уларнинг айримлари кўтарила олмайди. Туман халқ таълими бўлими методика кабинети мудираси Шоирахон Файзиева изоҳлайдики:

— Шаҳар халқ таълими бош бошқармаси методика маркази олимпиадани ташкилий жиҳатдан пухта, холисона, адолатли тарзда ўтказиш мақсадида барча туман мутасаддилари иштирокида йиғилиш ўтказди. Бунга мувофиқ, 17та умумтаълим фанлари юзасидан олимпиадани ўтказишнинг ягона жадвали ишлаб чиқилиб, масъул ходимларга тарқатилди. Туманимизда ҳам Низом талабларига мувофиқ барча фанлар бўйича олимпиадалар топшириқларининг махфийлиги таъминланган ҳолда холис ва адолатли ўтишига муҳим эътибор қаратилди.

— Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури асосидаги бунёдкорлик ишлари самарасида бугунги барча билим даргоҳлари тубдан янгиланди. Қайсики мактабга кирманг, фан кабинетларининг жиҳозланиши ва ўқув-лаборатория асбоб-ускуналаридан ўқувчиларнинг бемалол фойдаланишини кузатасиз, — дейди туман халқ таълими бўлими мудири Абдуманнон Собиров. — Демак, таълимнинг моддий базаси мустаҳкам бўлса, натижалар ҳам шунга яраша бўлиши аниқ. Бу ўқувчиларимизнинг билим кўрсаткичларида яна бир бор ўз исботини топди.

Холисоналикни таъминлашда нима муҳим?

206-умумий ўрта таълим мактаби бошланғич синф ўқитувчиси Дилором Бойматова:

— Олимпиаданинг туман босқичига жалб қилинган 75 нафар ўқитувчи қаторида кеча биология фани бўйича ўтган олимпиадада синф кузатувчиси сифатида иштирок этдим. Бугун эса ўзбек синфларида рус тили фани бўйича беллашувга масъулман.

ЮҚОРИ САВИЯДА

Ҳамма жойда бўлгани каби 2009 йилнинг 3—5 декабрь кунлари Наманган вилоятининг Янгиқўрғон туман халқ таълими бўлимига қарашли 61та мактаб ва 9та касб-ҳунар коллежида 17та фан йўналиши бўйича республика фан олимпиадаларининг мактаб босқичи муваффақиятли якунланган эди. Унда 8925 нафар ўқувчи иштирок этиб, 9-синфлардан 501 нафар, 11-синф ва коллежларнинг 3-курс талабаларидан 275 нафар, 2-курслардан эса 60 нафар — жами 836 нафар билимдон ўқувчилар ғолиб бўлди.

Ҳозирда мактаб босқичи ғолиблари фан олимпиадаларининг туман босқичида иштирок этмоқда. Новкент иқтисодиёт ва педагогика касб-ҳунар коллежида ўтказилаётган ушбу олимпиадаларни юқори савияда ниҳоялаш учун ташкилий қўмита аъзолари томонидан жиддий тайёргарлик кўрилди.

АДОЛАТЛИ ВА УЮШҚОҚЛИК БИЛАН

Ҳар йилгидек фан олимпиадаларининг туман босқичи Бухоро вилоятида ҳам қизғин бошланди. Олимпиадани адолатли ўтказиш, унинг низомларига тўлақонли амал қилиш борасидаги ишлар хусусида вилоят мутасадди мутахассисларининг фикрлари билан қизиқдик.

Ҳалим РАЖАБЗОДА, вилоят халқ таълими бошқармаси методика маркази бошлиғи:

— Вилоятимиз шаҳар ва туманларида фан олимпиадаларининг II тури бошланди. 7 январда аниқ фанлар, 8 январда эса гуманитар фанлар бўйича I тур мактаб олимпиадасида ғолиб дея эътироф этилганлар ўз тенгдошлари билан куч синашди.

Эришадиган муваффақиятимиз олимпиаданинг тўғри, адолатли ва уюшқоқлик билан ўтказилишига боғлиқдир. Шунинг учун марказимизга туман ва шаҳар методика раҳбарларини йиғиб, бу йирик тадбирни уюшқоқлик билан адолатли ўтказиш борасида йўл-йўриқ ва кўрсатмалар берилди. Олимпиада кунлари марказимиз ҳамда вилоят педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти мутахассисларидан иборат гуруҳлар барча туман ва шаҳарларда бўлиб, олимпиада ишларини кузатиб, назорат қилиб туришди.

Назира СУЛТОНОВА, шаҳар халқ таълими бўлими методика кабинети катта мутахассиси:

— Ўтган йилги вилоят олимпиадасида ўқувчиларимиз ўз билимдонликлари билан юқори ўринларни эгаллаган эди. Бу йил ҳам ана шу кўрсаткични сақлаб қолиш ҳамда фанлар кесимида юқори балл тўплаш учун фидойи ва меҳнаткаш ўқитувчиларимиз ўз ўқувчилари билан йил давомида қизғин тайёргарлик олиб боришди. Шунингдек, ўқувчиларнинг амалий машғулотларни эркин ва замон талаблари даражасида жиҳозланган кабинетларда олиб боришини ҳам таъминландик.

Ҳусен БОЗОРОВ, Шофиркон туман халқ таълими бўлими методика кабинети мудири:

— Ўтган йилги фан олимпиадаларининг республика босқичига туманимиздан чиққан 4 нафар ўқувчимизнинг 3 нафари муваффақиятли қатнашган бўлса, 1 нафари она тили ва адабиёти фани бўйича 1-ўринни эгаллаган эди. Бу муваффақият ўқувчиларимизни ҳам руҳлантириб юборди. Бу руҳни I тур мактаб олимпиадаларида кузатдик. Вилоятда 1,2,3-ўринларни эгаллаган ўқувчиларимизнинг республика олимпиадасида қатнашишлари эса ўқувчию ўқитувчилар билан биргаликда ота-оналарни ҳам ниҳоятда севинтирди. Шунингдек, ҳар томонлама қулай янги мактаблар, жаҳон стандартлари талабларига жавоб берувчи жиҳозлар ҳам ўқувчиларимизга куч ва қанот бағишлаяпти. Шу маънода бу йил олимпиаданинг II тур босқичлари капитал реконструкция қилинган 38-умумтаълим мактабида бўлиб ўтаяпти. Бу ерда ўқувчиларимизнинг амалий машғулотларни кўнгилдагидек ўтказишлари учун барча шароитлар муҳайё.

АНИҚ ФАНЛАРДАН КЎРСАТКИЧЛАР ЮҚОРИ

— Умуммиллий давлат дастури асосида ўқув жиҳозлари билан таъминланган мактабларнинг ўқувчилари лаборатория ишларини нисбатан мукаммал бажармоқда, — дейди Юнусобод туманидаги ХТБнинг кимё-биология фанлари методисти Офтобхон Болтаева. — Бир неча йилдирки, олимпиаданинг туман босқичида иштирок этаман, охирги пайтларда ўқувчиларнинг аниқ фанлар бўйича билимлари тобора кучайиб бораётганига амин бўлаяпман. Бу сафар юқори балл тўплаган ўқувчилар сафи ҳам анча кенгайди.

Фан олимпиадаларининг туман босқичи бежизга 257- ва 258-мактабларда ўтказилмаяпти. Бу икки ўқув даргоҳида иштирокчиларга барча шароитлар яратилган. Хусусан, 258-мактаб 2008 йили жорий таъмирдан чиқарилган, фан хоналари ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари билан таъминланган. Таълим маскани қатор йиллардан бери физика, математика ва чизмачилик фанлари бўйича ўтказиладиган олимпиадага мезбонлик қилиб келади.

— Амалий ишда қушларнинг ташқи тузилиши, патларининг неча қисмдан ташкил топгани, қандай вазифаларни бажариши ҳақида ёздим, — дейди 288-мактаб ўқувчиси Дилноза Абдумавлонова. — Бу шартни бажариш менга умуман қийинчилик туғдирмади. Чунки мактабимиз икки йил илгари замонавий ўқув қуроллари билан жиҳозланган эди. Дарсларда қуруқ ва ҳўл препаратлар, коллекциялардан фойдаланиб, назарий билимларимизни амалиётда ҳам мустаҳкамлаб борамиз.

17та фан бўйича ўтказилаётган олимпиаданинг II босқичида тумандаги 40та мактабнинг қарийб барчасидан вакиллар иштирок этаяпти. Айтиш жоизки, фақат таълим маскани доирасида ўтказиладиган кичик олимпиада синовлари ўқувчилар учун ҳар томонлама тажриба мактаби бўлмоқда. Бу фикрни иштирокчиларнинг ўзлари ҳам бот-бот такрорлади.

— Ўтган йилларда ҳам мактаб олимпиадасида биринчиликни қўлга киритганман, — дейди 220-мактаб ўқувчиси, Мадина Эрназарова. — Бу йил туман миқёсида 2-ўринни қўлга киритиб, шаҳар босқичига йўлланма олдим. Ўқитувчимиз Шоира Қўлдошева мактабимизда яратилган имкониятлардан фойдаланиб, чизмачилик сирларини ўргатиб келмоқда. Ўзим ҳам келажакда шу йўналиш бўйича ўқишни давом эттирмоқчиман. Беньков номидаги коллежда ўқишни ният қилганман. Олимпиада билимларимни мустаҳкамлашга, ўз устимда ишлашга ёрдам беради, мақсадларим сари илдамлашимда ҳам кўмакдош бўлади.

КУЧЛИЛАР САРАЛАНМОҚДА

Мактаб ўқувчиларининг 2-босқич фан олимпидаси Зарбдор туманидаги 9-мактабда бўлиб ўтди. Билимлар беллашувида мактабларда бўлиб ўтган дастлабки босқичда 76 баллдан юқори кўрсаткичга эришган, 1, 2, 3-ўринни қўлга киритган ўқувчилар ўзаро куч синашдилар. Зарбдор туман халқ таълими бўлими мудири Абдумутал Эргашевнинг айтишича, мавжуд 25та мактабдан дастлабки босқичда юқори ўринларни қўлга киритган 459 нафар 9—11-синф ўқувчилари 2-босқичда ўз билим ва иқтидорларини яна бир бор синовдан ўтказдилар.

Маълумки, олимпиадада ўқувчилар математика, информатика, тарих, ҳуқуқшунослик, иқтисодий билим асослари, география, чизмачилик асослари фанларидан 2 турда, қолган фанлардан эса 3 турда ўз билимларини синаб кўрдилар. Шоҳиста Нишонова тумандаги 8-мактабнинг 9-синфида ўқийди. Тест синовларини топшириб чиққан Шоҳистанинг қувончи чексиз.

— Мактабимизда олдинлари лаборатория машғулотлари ўтказиш учун умуман шароит йўқ эди, — дейди у биз билан бўлган суҳбатда. — Капитал реконструкция қилингач, билим масканимизда имкониятлар кескин ўзгарди. Ҳозир мактабимизда физика, кимё, биология фанлари тўлиқ лаборатория жиҳозлари билан таъминланган. Мен ҳам биология фани бўйича олимпиадада иштирок этаяпман. Амалий топшириқларни бажариш учун ўзимда етарли куч ва билим борлигига ишонаман.

Мактабда фанлар олимпиадасини юқори савияда ўтказиш учун белгиланган Низом асосида етарлича шароит яратилди. Ташкилий қўмита, адолат гуруҳи, ҳайъат аъзолари меъёрий ҳужжатлар асосида иш юритганлигидан ота-оналар, кузатувчилар хам хурсанд.

3-мактабнинг 9-синф ўқувчиси Феруза Мамараимова иқтисод фанидан олимпиадада иштирок этмоқда. Шу ерда ҳозир бўлган онаси Ширин Саримсоқова ўқувчилар ва ўқитувчиларга яратилган шароитдан мамнун. Унинг айтишича, ҳар бир иштирокчининг билими адолатли ва холисона синовдан ўтказилмоқда. Кузатувчиларнинг савол ва эътирозларига адолат гуруҳи аъзолари батафсил жавоб ва маслаҳат беришга тайёр.

— Мактабларимизнинг ўқув моддий-техник базаси мустаҳкамланиши таълимда сифат ва самарадорликнинг юқори бўлишига мустаҳкам замин ҳозирламоқда, — дейди Зарбдор туман халқ таълими бўлими методика кабинети мудири Марат Бўриев. — Буни ўтган йилги фан олимпиадалари натижаларида ҳам кўриш мумкин. Бу йилги ниятимиз янада юқори ўринларни қўлга киритишдир. Бунинг учун мактабларимизда етарли шарт – шароит, маҳоратли ва истеъдодли ўқитувчилар бор. Уларнинг саъй-ҳаракати, албатта, ўз натижасини беради. Бугунги беллашувда ғолиб чиққан ўқувчиларимиз 3-босқичда ҳам туманимиз шарафини муваффақиятли ҳимоя қилишига ишонамиз.

Ҳулкар ТЎЙМАНОВА,
Пўлат ҲАМДАМ,
Сора ТОШЕВА,
Фаррух ЖАББОРОВ,
Абдусаттор СОДИҚОВ,
"Ma'rifat" мухбирлари

☑ ФАН ОЛИМПИАДАЛАРИ ЮҚОРИ БИЛИМЛИ, ИҚТИДОРЛИ ВА ИСТЕЪДОДЛИ ЎҚУВЧИЛАРНИ АНИҚЛАШ ҲАМДА УЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ, РАҒБАТЛАНТИРИШ МАҚСАДИДА ЎТКАЗИЛАЁТГАН МУҲИМ ТАДБИРЛАР СИРАСИГА КИРАДИ.

Энг муҳими, мусобақа бўладиган майдонларда энг сара ўқувчилар жам бўлишади ва ҳар бир ўғил-қиз ғолиблик шоҳсупасига кўтарилиш учун бор билим ва қобилиятларини ишга солади. Академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари 2 ва 3-курс ўқувчилари ўртасида Яккасарой туманида жойлашган «Меҳр-шафқат» тиббиёт коллежида бўлиб ўтган фан олимпиадасининг математика фани бўйича туман босқичида ҳам ана шундай ҳолат кузатилди. Унда ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида ўтказилган саралаш мусобақалари натижаларига кўра ғолиб деб топилган ўқувчилар ўзаро беллашишди, математика фанидан эгаллаган билимларини икки босқич (тест ва ёзма)да синовдан ўтказишди.

Беллашув жараёнини илғор ўқитувчи ва мутахассислардан иборат ҳакамлар ҳайъати босқичма-босқич баҳолаб борди. Тадбир якунида қизғин баҳслар натижалари эълон қилинди. Унга кўра **2-курслар орасида** ТошДШИ қошидаги Юнусобод хорижий тиллар академик лицейи ўқувчиси Турсун Гарипов (83 балл) биринчи, Тошкент молия-иқтисод касб-ҳунар коллежи ўқувчиси Нозимбек Нуриллаев (81 балл) иккинчи, шунингдек, **3-курслар орасида** 1-республика тиббиёт коллежи ўқувчиси Шаҳноза Бозорбоева (84 балл) биринчи, ТТЕСИ қошидаги академик лицей ўқувчиси Нуриддин Абдужабборов (79 балл) иккинчи, «Меҳр-шафқат» тиббиёт коллежи ўқувчиси Феруза Толибжонова (78 балл) учинчи ўринни эгаллашди.

— Мусобақада иштирок этиш жараёнида беллашувга билимли тенгдошларим йиғилганига амин бўлдим, — дейди Сирғали енгил саноат ва сервис касб-ҳунар коллежи ўқувчиси Қ.Бозорбоева. — Балларим бироз паст бўлгани учун совринли ўринга чиқа олмадим. Ҳозир шу бугундан бошлаб кейинги йил мусобақаларига тайёргарликни бошлайман, деб турибман. Албатта, келгусида математика йўналиши бўйича юқори бални қўлга киритишга ҳаракат қиламан.

Орзигул МАТҚУРБОНОВА,
Мавлуда УМИРОВА

☑ АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ КУТУБХОНАСИНИНГ ЁШЛАР АХБОРОТ-РЕСУРС МАРКАЗИДА "ЁШЛАР – ЮРТ ТАЯНЧИ" МАВЗУСИДА КИТОБЛАР КЎРГАЗМАСИ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ.

Айтиш жоизки, юртимизда ёш авлодни ҳар томонлама соғлом ва баркамол инсон, юксак маънавият, теран тафаккур соҳиби этиб вояга етказиш йўлида қатор саъй-ҳаракатлар амалга оширилаётир. Бу йўналишдаги вазифаларни амалга оширишда мазкур кутубхонанинг ҳам муносиб ўрни бор. Олимлар, ёзувчи ва шоирлар, маънавият тарғиботчилари иштирокида ўтказилаётган турли учрашувлар, мулоқотлар, давра суҳбатлари, илмий анжуманлар, турли кўрик-танловлар шулар жумласидандир.

Кўргазмада давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг "Юксак маънавият – енгилмас куч" асари, истиқлол йилларида ёшлар учун кўрсатилаётган ғамхўрлик ва эътиборни акс эттирган турли маърифий нашрлар, рисолалар, рангли фотоальбомлар ҳавола этилаётир.

"Туркистон-пресс"

☑ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҚИБРАЙ ТУМАНИДАГИ «БОТАНИКА» САНАТОРИЙСИДА БЎЛИБ ЎТАЁТГАН ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ТАЛАБАЛАРИНИНГ «КАМОЛОТ — КЕЛАЖАК ТАЯНЧИ» ҚИШКИ ФАОЛЛАР МАКТАБИ ЙИҒИЛИШИ ҲАМ «БАРКАМОЛ АВЛОД ЙИЛИ»ДА УНИВЕРСИТЕТ ЁШЛАРИНИНГ ВАЗИФА ВА РЕЖАЛАРИНИ БЕЛГИЛАБ ОЛИШДА МУҲИМ АҲАМИЯТ КАСБ ЭТМОҚДА.

Қишки фаоллар мактабининг очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, фалсафа фанлари доктори, профессор Исмоил Соифназаров, университет ректори Улуғбек Тошкенбоев иштирок этиб, озод ва обод жамият қуриш йўлида ҳар бир йигит-қиз иштироки алоҳида ўрин тутиши, бу каби тадбирлар бошқа олий ўқув юртларида ҳам кенг тарғиб қилиниши ҳақида тўхталиб ўтдилар.

— Бугунги кунда 4300 нафар талаба таҳсил олаётган олий ўқув юртида ёшларнинг бўш вақтларини тўғри ташкил этиш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, гиёҳвандлик ва ахлоқсизлик сингари иллатларнинг олдини олишга қаратилган турли хил тадбирлар ўтказиб келинмоқда, — дейди университет «Камолот» ЁИҲ етакчиси Баҳром Умматов. — Қишки фаоллар мактабида талаба-ёшлар, аввало, ўз қизиқишидан келиб чиқиб гуруҳларга бўлинишган. Бу гуруҳларнинг раҳбари, тренери, етакчиларининг ҳам барчаси талабалар ҳисобланишади. Бунда ёшлар раҳбарлик қобилияти, ўз-ўзини бошқариш хусусиятларини ҳам намоён қилади.

Қишки фаоллар мактаби аъзолари «Юксак маънавият — енгилмас куч» асарида ёшлар маънавияти масаласи», «Талаба-ёшлар маънавиятининг долзарб вазифалари», «Баркамол шахс сифатлари» каби мавзуларда давра суҳбатлари, семинар-тренинглар ва машғулотларда фаол иштирок этаётгани қувонарли ҳолдир.

Бундан ташқари, ёшлар турли хил кўрик-танловларда иштирок этиб, янги билим ва кўникмаларга эга бўлишмоқда.

Робия АСҚАРОВА,
ЎзМУ талабаси

☑ ДЕКАБРЬ ОЙИ ДАВОМИДА РЕСПУБЛИКАМИЗДАГИ БАРЧА МАКТАБЛАРДА "МИЛЛИЙ ҒОЯ" ТУРКУМИДАГИ ФАНЛАР ОЙЛИГИ ЎТКАЗИЛДИ.

Паркент туманидаги 29-мактабда ҳам мазкур ойлик юзасидан бир қатор ижобий ишлар амалга оширилди. Ёш авлодни ҳар томонлама баркамол ва ватанпарвар қилиб тарбиялашда мана шундай тадбирларнинг ўрни беқиёсдир. 5—9-синф ўқувчилари фаоллигида узлуксиз равишда турли учрашувлар, "Ғоявий бўшлиқ нима?" мавзусида "Очиқ дарс"лар ташкиллаштирилди. "Конституциямиз — бахтимиз!" мавзусида бошланғич синфлар иштирокида саҳнавий кўринишлар ва викторина саволлари ташкил этилган мўъжазгина байрам ҳам уюштирилди.

Бир сўз билан айтганда, 29-мактаб раҳбарияти ва фаол устоз-мураббийлар 2009 йилнинг энг сўнгги ойида кўзланган мақсади сари ишончли бир қадамни ташлади.

Феруза АКБАРОВА,
ўқитувчи

☑ ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТ ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ ТАШКИЛ ЭТИЛГАНЛИГИНИНГ 35 ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН «МАЛАКА ОШИРИШ ТИЗИМИ — ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ОМИЛИ» МАВЗУСИДА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ БЎЛИБ ЎТДИ.

Конференция ўзаро тажриба алмашиш руҳида ташкил этилиб, бир неча шўъбаларда машғулот олиб борди. «Таълим самарадорлигини оширишнинг психологик-педагогик омиллари», «Табиий ва амалий фанларни ўқитишда замонавий таълим методларидан фойдаланиш орқали дарс самарадорлигини ошириш», «Мактабгача ва бошланғич таълимни ривожлантиришнинг назарий ва амалий асослари» мавзуларида шўъбаларда тренинг асосида машғулот ташкил этилиб, ўзаро тажриба ва фикр алмашилди. Кун тартибидаги мавзулар бўйича олимлар, тажрибали ўқитувчилар маърузалар ўқидилар.

Таълим самарадорлигини оширишда ВПКҚТМОИнинг ўрни ва унинг келгусидаги вазифаларига алоҳида тўхталиб ўтилди.

Абдусаттор СОДИҚОВ,
«Ma'rifat» мухбири

☑ ЁШ АВЛОД ТАЪЛИМ-ТАРБИЯСИ БАРЧА ЗАМОНЛАРДА ҲАМ ОТА-ОНА, ЎҚИТУВЧИ-ПЕДАГОГЛАРНИНГ ЭНГ МУҲИМ ВАЗИФАЛАРИДАН БЎЛИБ КЕЛГАН. ОТА-БОБОЛАРИМИЗНИНГ ФАРЗАНД ТАРБИЯСИ БОРАСИДАГИ КАТТА ТАЖРИБАСИ АВЛОДДАН-АВЛОДГА БОЙ ИЛМИЙ ВА МАЪНАВИЙ МЕРОС СИФАТИДА ЎТИБ КЕЛМОҚДА.

Ана шу тажрибага таянган ҳолда айтиш мумкинки, бугун тарбияга салбий таъсир кўрсатадиган омиллар—уяли алоқа воситаси ва интернет, турли компьютер ўйинлари каби иллатлар оқиб келаётган бир пайтда тарбия мавзуси яна ҳам долзарб аҳамият касб этмоқда. Келажак авлодни маънавий етук тасаввур этиш орзусида эканмиз, албатта, уларнинг билимини, касбий малакаларини ривожлантиришимиз лозим бўлади. Бунда педагогика-психология фанининг ўрни алоҳида. Коллежимизнинг касбий фанлар кафедраси ўқитувчилари томонидан ушбу фанларни ўқитишда аждодларнинг бой мероси билан бирга замонавий педтехнологиялардан унумли фойдаланиш яхши йўлга қўйилган. Ўқувчи-ёшларга педагогика-психология фанларидан пухта билим берилиб, касб-ҳунарни мукаммал эгаллашлари учун ҳаётга ҳам тайёрланмоқда.

Коллежда асосан педагоглик касбини танлаган ёшлар таҳсил олишини ҳисобга олиб, уларга ушбу касбнинг нозик жиҳатларини, сир-асрорларини уқтириб борамиз. Ўқувчилар ўртасида доимий "Касбим—фахрим", "Менинг биринчи устозим", "Ўқитувчилик—шарафли касб" каби мавзуларда иншолар танлови, суҳбатлар ўтказиб турилади. Бу эса, шарафли касбнинг моҳиятини ўқувчилар онгига сингдиришда жуда муҳим. Психологик тестлар орқали эса ўқувчилар билими янада мустаҳкамланмоқда. Зеро, ҳам жисмонан, ҳам маънан етуклик баркамоллик асосидир.

Мухтора АБДУРАҲМОНОВА,
Тошкент вилояти педагогика коллежи ўқитувчиси

☑ РЕСПУБЛИКА КИНОЧИЛАР УЙИДА ЎЗБЕК ХАЛҚ ЭРТАКЛАРИ АСОСИДА СУРАТГА ОЛИНГАН МУЛЬТФИЛЬМЛАР НАМОЙИШ ҚИЛИНДИ.

Мазкур мультфильмлар "Ўзбеккино" Миллий агентлиги томонидан ўқувчи-ёшларнинг қишки таътил кунларининг сермазмун ўтиши, уларни бўш вақтларини унумли ўтказишга сафарбар қилиш мақсадида ташкил этилди.

Мультфильм бола онгига тез таъсир кўрсатувчи воситалардан бири ҳисобланади. Шу боис халқ эртаклари асосида яратилган мультфильмларнинг намойиш қилиниши ёш авлод тарбиясида муҳим аҳамият касб этади.

Тадбирда сўз олганлар "Ўзбеккино" Миллий агентлиги томонидан миллий мультфильмлар яратишга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлашди. Ушбу тадбирда "Зўраки фолбин", "Лочин ови", "Музаффарнинг тушлари" сингари ўзбек халқ эртаклари асосида суратга олинган мультфильмлар болажонлар эътиборига ҳавола этилди. Бундан ташқари, тадбир қатнашчилари мультфильм яратилишида жонбозлик кўрсатган ижодкорлар билан тўғридан-тўғри мулоқот қилиш имкониятига эга бўлишди.

Сурайё МЕЛИҚУЛОВА,
"Туркистон-пресс"

☑ ҲАММА НАРСА ПОЙДЕВОРГА ТАЯНАДИ. ШУНИНГДЕК, ТАЪЛИМ-ТАРБИЯДА ҲАМ БОШЛАНҒИЧ САБОҚНИНГ МУКАММАЛЛИГИ ЎҚУВЧИНИНГ КЕЙИНГИ СИНФЛАРДА ОЛАДИГАН БИЛИМИНИНГ МУСТАҲКАМЛИГИГА ЗАМИН ЯРАТАДИ. ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ХОДИМЛАРИНИНГ СЕВИМЛИ НАШРИГА АЙЛАНИБ УЛГУРГАН «БОШЛАНҒИЧ ТАЪЛИМ» ЖУРНАЛИНИНГ БУ БОРАДА ЎЗ ЎРНИ БОР.

2009 йилнинг сўнгги ойи маҳсули сифатида мазкур журналнинг 12-сони нашрдан чиқди. Янги йилнинг «Баркамол авлод йили» дея аталиши журналдаги барча материалларнинг мазмун-моҳиятига сингиб кетгани муқовадаги рангин лавҳалардаёқ ўз аксини топган. Нашрнинг ижодий жамоаси мунтазам суратда ўз мухлислари билан учрашувлар ташкил этиб, фикр-мулоҳазаларга таянган ҳолда ўз иш режасини тузади, мавзулар доирасини кенгайтириб боради. Махсус мухбирларининг «Маърифатга ошно қалблар» сарлавҳаси остидаги чиқишлари, «Муштарий фикр билдиради» рукни ана шундай мулоқотлар жараёнини қамраб олган. Ўлкамиз бўйлаб кезиб юрган қиш нафаси, янги йил шодиёналарининг руҳияти тўртинчи синфларнинг ўқиш дарсларида фойдаланиш учун қўшимча манба вазифасини ўтовчи «Мусаввир Қорбобо» дарс ишланмасида ўз аксини топган. Маълумки, ўқувчиларимизнинг онгу шуурида экологик маданиятни шакллантириш бугунги куннинг энг долзарб вазифалари сирасига киради. Шу ўринда Фарғона вилоят ПКҚТМОИ «Бошланғич таълим» кафедраси катта ўқитувчиси М.Халлақованинг «Дарсларнинг тарбиявий аҳамияти» мақоласидан сабоқларда ижодий фойдаланиш мумкин. Журналда синфдан ташқари машғулотларни ташкил этиш масаласига ҳам эътибор қаратиб келинади. Жумладан, «Здравствуй, здравствуй, новый год!» сценарийси 3-синф ўқувчилари билан байрам тадбирини ўтказишда фойдаланиш учун тавсия этилган. Русийзабон ўқувчилар, шунингдек, нашр саҳифаларидан ўрин олган «Ты не одинок», «Наряжаем новогодную ёлку» материалларини ўқиб ҳам ўзлари учун қимматли маълумотлар олишлари мумкин. Журнал ўз анъаналарига кўра «Жисмоний тарбия», «Табиатшунослик», «Математика», «Ўқиш», «Маънавият» сингари рукнларда ҳам материаллар эълон қилганки, бу жамоанинг бошланғич синф ўқитувчиларига ҳар жиҳатдан ҳамкору ҳаммаслак бўлишга уринаётганидан далолатдир.

О.МУРОДУЛЛАЕВА

Seminarning ikkinchi kuni ishtirokchilar Toshkent shahridagi 243-maktabda bo'lib, o'quv kursini tashkil etishga doir ishlar bilan yaqindan tanishdilar.

Абдулла Авлоний номидаги халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш марказий институтида "Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг "Юксак маънавият—енгилмас куч" асарини умумтаълим мактабларида ўрганиш бўйича факультатив курсни ташкил этиш" мавзусида икки кунлик республика ўқув-семинари ўтказилди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва барча ҳудудий педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтларининг маънавий-маърифий ва илмий ишлар бўйича проректорлари, "Ижтимоий фанлар ва маънавият асослари" кафедраси мудирлари ҳамда уларнинг профессор—ўқитувчилари иштирок этди. Қизғин баҳс-мунозаралар асосида ташкил этилган семинарда асарни ўқитишдан кутилаётган натижа ва ушбу йўналишда тизимда олиб борилиши лозим бўлган долзарб масалаларга алоҳида эътибор қаратилди.

Jarayon

МАХСУС КУРСГА МУКАММАЛ ТАЙЁРГАРЛИК

республика ўқув-семинарида алоҳида эътироф этилди

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг "Юксак маънавият–енгилмас куч" асарини ўрганиш борасида халқ таълими тизимида қатор ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, ушбу асар ҳар бир таълим муассасаси кутубхонасига етарли миқдорда етказилди, уни ўқитиш борасида ўқитувчилар учун ўқув қўлланмалари тайёрланди. Кўргазмали слайдлар, электрон материаллар асосида ўқитувчилар учун бой методик манба яратилган. Умумтаълим мактабларида жорий ўқув йилининг учинчи чорагидан ўқитиладиган 10 соатлик факультатив курсларни ташкил этиш учун ўқув режа ва дастурлар тайёрланиб, барча таълим муассасаларига етказилди. Ушбу ўқув–семинар ҳам эзгу ишларнинг давоми бўлиб, унда ўқитувчиларга мўлжалланган факультатив курсларни умумтаълим мактабларида ўқитишга тайёрлаш режалаштирилган. Бу жараёнда малака ошириш институтларининг илмий салоҳияти ва методик тайёргарлигини оширишга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Республика ўқув–семинари уч босқичда ташкил этилди. **Ўқув, тренинг ва саёҳат** тарзида ташкил этилган тадбирнинг кенг қамровлилиги, аниқ мақсадга йўналтирилганлиги аҳамиятли бўлди.

Ўқув–семинарда Халқ таълими вазири ўринбосари Абдуғани Холбеков, вазирликнинг «Маънавий-ахлоқий тарбия» бошқармаси бошлиғи Умид Эгамбердиев қатнашиб, "Юксак маънавият — енгилмас куч" асарини ўрганиш борасида амалга оширилиши лозим бўлган вазифаларга тўхталиб ўтди. Ушбу курсдан қайси фан ўқитувчиси дарс беради? Ўқувчиларга асар мазмун-моҳиятини янада чуқурроқ етказишнинг қандай самарали метод ва усуллари бор? Шу каби қатор саволларга давра суҳбатида жавоб изланди. Шундан сўнг Аблулла Авлоний номидаги ХТХҚТМОМИнинг Маънавий-маърифий, илмий ишлар бўйича проректори Нилуфар Юлдашева, "Ижтимоий фанлар ва маънавият асослари" кафедраси мудири Абдураҳим Ҳасанов, ўқитувчи Мунира Шодмонова, Республика таълим маркази "Ижтимоий фанлар" бўлими бошлиғи Наргиза Исматова томонидан таълим муассасаларида ўрганишнинг аҳамияти, ўқувчиларга етказиш методикаси хусусида бешта йўналишда машғулотлар ташкил этилди.

ЎҚИТУВЧИ ДАРСНИ ЁНИБ ЎТСА...

Умумтаълим мактабларида ушбу чоракда ўтказиладиган 10 соатлик факультатив курсни маҳоратли, тажрибали, ижодкор, ўз касбининг устаси бўлган ўқитувчилар олиб бориши лозим. Бу борада махсус тайёргарликдан ўтган «Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари», тарих, ҳуқуқ, адабиёт фани ўқитувчилари ушбу курсни ўқитиши мақсадга мувофиқ. Дарсларни маънавият хоналарида олиб бориш ҳам таълим самарадорлигини оширади.

— Факультатив курс ўқитувчиси зиммасида жуда катта масъулият туради, — дейди Хоразм вилояти ПКҚТМОИ ўқитувчиси Зулфия Ёқубова.

— Ҳар бир дарс учун тайёргарлик кўришда унинг кўргазмалилигига эътибор бериш, ўқувчиларнинг фаол иштирокига шароит яратиш зарур. Ўқув режада мавзулар аниқ белгиланган бўлиб, дастурда эътибор берилиши лозим бўлган йўналишлар, таянч сўзлар, кутилаётган натижа ҳам белгиланган. Ҳар бир ҳудуднинг, таълим муассасасининг ва синфнинг ўзига хос имкониятлари, шарт-шароитларини ҳисобга олиб, берилган манбалар асосида ўқитувчи дарсга ижодкорона ёндашиши керак бўлади.

ДАРСЛАР МЕТОДИКАСИ ҚАНДАЙ БЎЛМОҒИ ЛОЗИМ?

10 соатлик факультатив курсни ташкил этиш, 8 соат назарий ва 2 соатлик амалий машғулотларни режалаштириш юзасидан методистлар томонидан ташкил этилган «курсни самарали ташкил этиш усуллари» мавзусидаги машғулотда бир қанча тавсиялар берилди. Хусусан, дарс аввалида ўқитувчи ўқув-суҳбат асосида ўқувчиларнинг мавзу юзасидан тушунчаларини аниқлаб, мавзуга нисбатан қизиқиш уйғотиши зарурлиги таъкидлаб ўтилди. Кўргазмали слайд орқали семинар иштирокчилари билан ўқув-суҳбат жараёни ташкил этилди. Шундан сўнг, ўқув режада белгиланган мавзулар бўйича қандай услубларда дарс ташкил этиш мумкинлиги ҳақида тақдимот ўтказилди. Муҳими, 10 соатлик курснинг дарслари мазмунан бир-бирига боғлиқ бўлиши лозим. Дарс давомида ўқитувчи ўқувчиларнинг мавзуга муносабатини, фикрини назоратга олиши, уларнинг фаол иштирокини таъминлашга ҳаракат қилиши зарур. Амалий машғулотларда асардан қилинган хулосаларни муҳокама этишга эътибор қаратиш зарурлиги таъкидланди. Музейларга, хотира майдонларига, тарихий обидаларга саёҳат, олимлар, ёзувчилар, шоирлар билан учрашувлар ташкил этишда ўқувчиларнинг истакларини инобатга олиш маъқул. 9-синфларда маълум бир ҳаётий тажрибанинг мавжудлиги ўқитувчидан эътиборни талаб этади.

ТАЪЛИМИЙ МАШҚЛАР ЎҚУВЧИНИ МУСТАҚИЛ ФИКРЛАШГА УНДАЙДИ

— Ўқув-семинарда асарни ўрганиш жараёни яққол кўрсатиб берилди, — дейди Сурхондарё ВПКҚТМОИ ўқитувчиси Замира Сафарова. — Амалий дарслар кўрсатилгани ҳамда ушбу дарсда иштирок этишимиз, бир вақтнинг ўзида кузатиш, таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ бўлди.

Таълимий машқлар орқали ўқувчида ҳар бир воқеа-ҳодисага, маълумотга нисбатан муносабат пайдо бўлади, у белгиланган муаммоларнинг ечимини топиш, берилган маълумотларни изоҳлаш, ўз фикрини билдириш ва ҳимоя қилишга интилади. Шунингдек, семинар давомида тажрибали ўқитувчилар томонидан курснинг биринчи дарси "Маънавиятни англаш, Маънавиятни шакллантирадиган асосий мезонлар" мавзусидаги намунавий машғулот ташкил этилди.

ТОШКЕНТ ШАҲРИНИНГ ЎЗИГА ХОС ТАЖРИБАСИ

Семинарнинг иккинчи куни иштирокчилар Тощкент шаҳридаги 243-мактабда бўлиб, ўқув курсини ташкил этишга доир ишлар билан яқиндан танишдилар. Айниқса, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси билан ҳамкорлик дастурининг тузилгани, ҳар бир таълим муассасасига ижодкорларнинг ташриф буюриши, машғулотларнинг диққатга сазовор жойларда ташкил этилиши иштирокчилар томонидан ижобий баҳоланди.

Мактаб маъмурияти 10 соатлик ўқув курсига жамланган дарс ишланмаларининг электрон вариантини семинар иштирокчиларига тақдим этди. Маънавият хонасида дарс жадвалининг мавжудлиги йиғилганлар эътиборида бўлди.

Ўқув-семинар иштирокчилари Темурийлар тарихи давлат музейида бўлиб, аудиторияда берилган билимларни мустаҳкамладилар.

ЎҚУВ-СЕМИНАРИ ДАВОМ ЭТАДИ

Халқ таълими вазирлиги ўқув-семинарни каскад усулида икки босқичда ўтказишни режалаштирган. Ушбу мавзудаги ўқув-семинарлар Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва барча вилоятларда келгуси ҳафтадан бошланади. Шунингдек, семинар иштирокчиларининг таклифлари асосида "Юксак маънавият — енгилмас куч" асари билан ота-оналар, маҳалла фаолларини янада яқиндан таништириш учун таълим муассасаларида давра суҳбатлари, тренинглар ҳам ташкил этилади.

Ҳафиза ИСАНОВА,
"Ma'rifat" мухбири

Б.РИЗОҚУЛОВ олган суратлар.

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг "Юксак маънавият–енгилмас куч" асарини ўрганиш юзасидан республика семинар тақдимоти ўтказилди. Тадбирда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, республика Маънавият тарғибот маркази, қатор илмий муассасалар вакиллари, таниқли олимлар, давлат ва жамоат арбоблари иштирок этди.

Семинар давомида асарни таълим муассасаларида ўқитишни ташкил этиш чора-тадбирларига алоҳида тўхталиб, бу борада амалга оширилиши лозим бўлган ишларга эътибор қаратилди. "Маънавият – инсоннинг улғайиши ва куч-қудрати манбаидир", "Мустақиллик–маънавий тикланиш ва юксалиш" сингари мавзулардаги олимлар суҳбати қизиқарли маълумотларга бой бўлди.

Семинар-тақдимот иштирокчилари университет Маданият саройида ташкил этилган "Маънавият ва маърифат маркази" фаолияти билан танишдилар. Университет профессор-ўқитувчиларининг бой тажрибаси маҳсули бўлган бу марказ талабаларнинг севимли масканига айланиб бормоқда. Шу билан бирга, факультатив ўқув курсини ўқитишнинг ахборот-методик таъминоти ҳақида, тайёрланган ўқув-методик мажмуанинг таркиби хусусида ҳам йиғилганларга батафсил маълумот берилди. Маърузачиларнинг тақдимотлари илмий ва амалий аҳамиятга эга экани иштирокчилар томонидан эътироф этилди.

Ta'mirlash ishlari davomida 120 o'quvchi o'rniga ega bo'lgan eski bino buzib tashlanib, o'rniga ikki qavatli yangi bino qurildi. 12 metrga 24 metr hajmdagi sport zalining barpo etilganligi o'quvchilar uchun katta sovg'a bo'ldi.

Ma'rifat — 2010-yil 9-yanvar

Harakat xavfsizligi oyligi

УМР ЙЎЛЛАРИМИЗНИ «ЯШИЛ ЧИРОҚЛАР» ЁРИТСИН

Умримиз давомида истасак-истамасак баъзи бир жараёнларнинг иштирокчисига айланамиз. Баъзан ўз вақтида масъулиятлилигимиз, барча қонун-қоидаларга оғишмай, сидқидилдан амал қилишимиз нафақат ўзимизнинг, балки ўзгалар ҳаётининг ҳам хавфсизлигига, турмушининг осойишта ва хушнуд бўлишига сабаб бўлади. Аксинча ҳолларда эса, ўзимизнинг ҳам, бошқаларнинг ҳам кайфиятини бузадиган, ҳатто тани-сиҳатига зиён-заҳмат етказадиган вазиятларнинг сабабчисига айланишимиз мумкин. Масалан, йўл-транспорт ҳодисаларининг содир бўлиши тартиб-қоидаларга қанчалик риоя қилиш-қилмаслигимизга боғлиқ.

Ҳар куни кўксимизда тоғдек улкан эзгу ният ва мақсадлар билан остона ҳатлаб йўлга отланар эканмиз, беихтиёр йўл ҳаракати иштирокчисига айланамиз. Биримиз ишга, биримиз ўқишга ва яна биримиз бошқа манзилга шошамиз. Тезроқ ўз вазифаларимизни адо этишни, кўзлаган мақсадимизга етишни хоҳлаймиз. Бироқ ҳаётда тезлик эмас, аввало сифат бирламчи эканлиги бироз хотирамиздан фаромуш бўлади.

Юртимизда мана шундай нохуш ҳолатларнинг олдини олишга қаратилган ишлар изчиллик билан амалга оширилмоқда. Шу маънода, бутун республикамиз ҳудудларидаги йўлларнинг жаҳон андозаларига мос ҳолда таъмирланиб, қайта қурилаётгани, кенгайтирилиб, йўл ҳаракати қоидаларига оид белгиларнинг янада ёрқинроқ жойлаштирилаётгани хавфсизликни таъминлашга катта ҳисса қўшмоқда. Бундан ташқари йўлда ҳаракатланиш давомида ҳайдовчиларга телефондан фойдаланишнинг тақиқланганги ва йўловчилар билан биргаликда хавфсизлик камаридан мажбурий фойдаланишнинг жорий қилингани бу борадаги ишларнинг самарадорлигини оширмоқда.

Мамлакатимизда йилдан йилга анъанага айланиб бораётган "Ҳаракат хавфсизлиги ойлиги"нинг ташкил этилаётгани ҳам йўл транспорт ҳодисаларининг олдини олишга қаратилган энг долзарб тадбирлардан бирига айланди. Жорий мавсумда ҳам йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш, таълим муассасаларида «Йўл ҳаракати қоидалари»нинг ўқитилишини самарали ташкил этиш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 668-Ф-сонли фармойиши қабул қилиниб, 2009 йилнинг 10 декабридан 2010 йилнинг 10 январига қадар «Ҳаракат хавфсизлиги ойлиги»ни ўтказиш белгиланганди.

Ойлик давомида йўл ҳаракати хавфсизлиги ходимлари ўқув муассасаларида, жамоат жойларида, маҳалла, корхона ва ташкилотларда кенг кўламли тарғибот ишларини олиб бормоқдалар. Хусусан, таълим муассасаларида «Диққат, болалар!», «Таътил», «Диққат, пиёда!», «Яшил чироқ» каби тадбирлар мунтазам уюштирилмоқдаки, улар ўқувчиларнинг йўл қоидаларига оид назарий билимларини турли кўргазмали куроллар, саҳна кўринишлари, ҳаётий мисоллар билан янада мустаҳкамлашларида қўл келмоқда. Натижада эса, умумий ўрта таълим мактабларида ташкил қилинган «Ҳаракат хавфсизлиги ёш инспекторлари» клублари, «Ёш автоназоратчилар» гуруҳлари аъзолари сони кўпайиб бораётгани бу борадаги ишлар самарасини кўрсатмоқда. Бундан ташқари, ўқувчиларнинг ҳаракат хавфсизлигига оид халқаро миқёсда ўтказилаётган қатор танловлар ғолиби бўлаётгани кишини қувонтиради.

Қисқача қилиб айтганда, «Ҳаракат хавфсизлиги ойлиги» ҳаётимизда маълум вақтгина эмас, бутун умр давом этадиган ҳодисадир. Бир дам бўлса-да ҳушёрликни, доимо йўл ҳаракати иштирокчиси эканлигимизни ва белгиланган тартиб-қоидани унутмайлик. Шундагина умр йўлларимизда ҳамиша «яшил чироқ» порлаб туради.

Дилшод КАРИМОВ,
"Ma'rifat" мухбири

Umummilliy dastur — amalda

«АЪЛО ЎҚИШГА МАСЪУЛМИЗ!»

Андижон туманининг Найман қишлоғидаги 32-мактаб умуммиллий давлат дастури асосида капитал реконструкция қилинди. Энди у катта шаҳарлардаги энг замонавий мактаблардан қолишмайдиган масканга айланди. Бунёдкорлик ишларини «Водий равнақи» масъулияти чекланган жамият қурувчилари сифатли бажаришди. Мактабнинг қайта бунёд этилиши учун давлат ғазнасидан 574 млн. 211 минг сўм маблағ сарфланди.

Таъмирлаш ишлари давомида 120 ўқувчи ўрнига эга бўлган эски бино бузиб ташланиб, ўрнига икки қаватли янги бино қурилди. 12 метрга 24 метр ҳажмдаги спорт залининг барпо этилганлиги ўқувчилар учун катта совға бўлди. 240 ва 120 нафар ўқувчи ўрнига эга бўлган иккита бино сифатли таъмирланди.

Физика, кимё ўқув хоналари таъмирланганидан сўнг лаборатория жиҳозлари билан тўлиқ таъминланди. Тасвирий санъат, чизмачилик, инглиз тили, касбга йўналтириш, маънавият, информатика ва бошланғич таълим синфхоналарининг ҳам зарур жиҳозлар, кўргазмали куроллар билан таъминланганлиги дарс сифатида муҳим ўрин тутяпти.

Айни пайтда 17та фан бўйича тўгараклар мунтазам ишлаяпти. Янги спорт зали ҳам ўқувчилар билан гавжум. Эндиликда 8та спорт тури бўйича тўгаракларда мактаб ўқувчиларининг ярмидан кўпи шуғулланмоқда.

Сойибжон Мамажонов, Камола Камолова, Баҳодир Имомов, Муқаддам Мамажонова, Ҳакима Назирова, Гулсара Назарова ва Гулчеҳра Абдуллаева каби муаллимлар таъмирлаш ишларида катта ёрдам беришди.

Мактаб жойлашган «Намуна» маҳалла фуқаролар йиғини фаоллари, маҳалла раиси Баҳромжон Раҳимова ва Турсунбой Қўшоқов, Содиқжон Қўлдошев, Раҳимжон Раҳмонов ҳамда Режавали Йўлдошев каби ота-оналар, шу қишлоқда фаолият юритаётган Андижон тумани 1-Пахта тозалаш ҳиссадорлик жамияти ходимлари қурилиш — таъмирлаш ишларида ҳам, ўқув жараёнида ҳам мактаб жамоасига доимий кўмакчи бўлиб келди. Ушбу саховатли инсонлар ёрдами билан янги ўқув йили бошида мактабнинг 20 нафар ўқувчиси бепул дарслик ва ўқув куроллари билан таъминланди.

Мактаб ҳовлиси унча катта бўлмаса-да, муаллимлар меҳнати билан мўъжаз боғ яратилди. Ҳозир бу боғда 100 тупдан зиёд мевали ва манзарали дарахтлар парвариш қилиняпти. Дарахтлар ораси ҳам бўш қолаётгани йўқ. Помидор, карам, сабзи, картошка ва бошқа экинлардан муаллимлар ҳам, ўқувчилар ҳам бирдек баҳраманд бўлишаяпти.

2009—2010 ўқув йилини кўркам бинода бошлаган мактаб жамоаси ва ўқувчиларнинг келгусидаги режалари янада улкан. Президентимиз, халқимизнинг шундай ғамхўрлигига аъло ўқиш ва ижодий меҳнат билан жавоб бериш жамоанинг асл ниятидир.

О.СИДДИҚОВ,
«Ma'rifat» мухбири

2010-yil — Barkamol avlod yili

БАРЧАСИ ЁШЛАР УЧУН

2010 йилнинг «Баркамол авлод йили» деб эълон қилиниши мактабимиз педагогик жамоасини ғоят қувонтириб юборди. Истиқлолнинг дастлабки йилларидаёқ ёшларга эътибор давлат аҳамияти даражасига кўтарилиб, таълимни ривожлантиришнинг ўзига хос модели яратилди. Ўқув масканларининг моддий-техник базаси мустаҳкамланди. Мактабимиз ҳам давлат умуммиллий дастурига мувофиқ капитал таъмирдан чиқарилди.

500 нафар ўқувчи таҳсил олаётган мактабимиз замонавий ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари ва бошқа зарур жиҳозлар билан таъминланган. Ёшларнинг компьютер сабоқларини пухта эгаллаши ва лаборатория машғулотлари билан шуғулланиши учун имкониятлар етарли. Бундай шарт-шароит таълим сифати ва мазмунини оширишга хизмат қилаяпти. Мавжуд имкониятдан унумли фойдаланаётган ўқувчиларимиз турли кўрик-танловлар ва фан олимпиадаларида муваффақиятли иштирок этиб келмоқда.

Таълим сифати ва мазмуни ўқитувчилар меҳнати ва маҳоратига боғлиқ. 40 нафарга яқин педагогларимиз ўқув жараёнига янги педагогик технологияларни жорий этмоқда. Синфдан ташқари ишлар самарадорлиги ҳам алоҳида эътиборда. Фан тўгараклари ҳамиша ўқувчилар билан гавжум. Мактаб ахборот-ресурс марказида ўқувчиларимиздан ташқари Собир Раҳимов номидаги маҳалла аҳлига ҳам хизмат кўрсатилмоқда.

Келажак — ёшларники, барча яхши нарсаларни уларга илинамиз. Навқирон авлод қанчалик иқтидорли, билимли бўлса, юртимиз шунчалик ривожланади.

А.МУҲАЙМИНОВ,
Зомин туманидаги 15-мактаб директори

БОЛАЖОНЛАР ҚУВОНЧИ

Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Хоразм вилояти кенгаши мана бир неча йилдирки, Янги йилнинг илк кунларида соҳа ходимларининг имконияти чекланган фарзандларини байрам дастурхонига таклиф қилади.

Яқинда Урганч туманидаги "Истиқлол" чойхонасида йиғилган 100 нафар болажоннинг юзларидаги қувончни кўриб, ота-оналари ҳам шодланди.

— Қизим Сарвинозни байрам тадбирига олиб келдим. Унинг хурсандлигини кўриб ўзим ҳам ҳаяжондаман, — дейди Шовот туманидаги 29-мактаб директори ўринбосари Ўғилжон Сафарова. — Касаба уюшмаларига миннатдорчилигимнинг чеки йўқ. Ахир, биз ота-оналар учун болаларимиз қувончини кўришдан ортиқ бахт борми?!

Тўкин дастурхон атрофидаги қайноқ суҳбатлар, Огаҳий номидаги вилоят мусиқа ва драма театридан ташриф буюрган Қорбобою Қорқиз билан арча атрофидаги ўйинлар, бир-биридан ажойиб совғалар болажонларни нафақат қувонтирди, балки уларни фаолликка даъват этиб, эртак қаҳрамонлари сафидан жой олишга ундади.

— 2010 йиннинг "Баркамол авлод йили" дея номланиши касаба уюшмалари фаолиятига алоҳида масъулият юклайди, — дейди таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Хоразм вилояти кенгаши раисаси Муяссар Раҳимова. — Баркамоллик сари интилишга соғлом фарзандларимиз қатори имконияти чекланган болажонларнинг ҳам ҳаққи бор. Биз уларга жамиятнинг фаол аъзолари эканликларини ҳис қилишлари, қалбларида она Ватанга меҳр улғайиши ва шу меҳр туфайли иқтидорларини намоён қилишлари учун қўлимиздан келганча кўмаклашамиз.

Таъкидлаш жоизки, бир неча йиллардан буён анъанага айланиб бораётган бу каби тадбирлар ва имконияти чекланган болалар учун махсус ишлаб чиқилган дастурлар натижасида ўнлаб истеъдодлар кашф этилмоқда. Айниқса, бу уларнинг кайфиятини кўтариб, руҳини тетиклаштиришда катта кўмак бўлмоқда.

Муҳаббат ТЎРАБОЕВА

Shunday «aqlli» kompyuterlar, o'zida butun dunyo ma'lumotlarini jamlagan internet tizimi turganda kitoblarga ne hojat dersiz ehtimol?

БОЛАЛАР ҚАЛБИДА КИТОБГА МЕҲР УЙҒОТАЙЛИК

Mulohaza

Одамлар орасида ёшлар ҳақида гап кетганда «Ҳозирги замоннинг боласи», деган ибора тез-тез қулоққа чалинади.

Албатта, ўйлаб қарасак, бу жумла замирида кўп маъно бор. Ҳозирги замоннинг боласи бундан 20-25 йил олдинги болалардан анча фарқ қилади. Билимдон, қизиқувчан, кўп нарсалардан, ҳатто биз катталар билмайдиган илмлардан улар хабардор. Сабаби, ҳозир юксак технологиялар тараққий этган даврда яшаяпмиз. Фарзандларимиз компьютерлар билан бемалол «тиллаша» олишади, интернетга кириб ўзлари учун муҳим ва қизиқарли бўлган маълумотларни ола билишади. Хуллас, замон билан ҳамнафас қадам ташлашмоқда. Улардаги бундай ютуқларни кўриб ҳар қандай ота-она, ўқитувчи-мураббий севинади, албатта. Лекин сўнгги пайтларда ота-оналарни, айниқса, биз она тили ва адабиёт фани ўқитувчиларини бир муаммо қийнаяпти.

Болаларимизнинг бадиий адабиётга бўлган қизиқишлари бирмунча сўнгандек, назаримда. Тўғри, китобга чанқоқ, бадиий асарларни, роман, ҳикоя, қиссаларни севиб ўқийдиган ўқувчиларимиз кам эмас. Лекин... Шундай «ақлли» компьютерлар, ўзида бутун дунё маълумотларини жамлаган интернет тизими турганда китобларга не ҳожат, дерсиз эҳтимол?

Йўқ! Китоблар бу бутунлай бошқача олам, ҳақиқий бадиий асарларнинг қадр-қиммати бўлакча. Киши бирон қизиқ асарни ўқир экан, у шу асардаги олам ичига шўнғийди, ундаги қаҳрамонлар ички кечинмаларини, туйғуларини бошидан ўтказади. Китоб ўқиш жараёнида боланинг маънавий дунёси бойиб боради, нутқи ўсади, қалбида гўзаллик, инсонийлик туйғулари барқ ура бошлайди.

Китоб ўқийдиган бола билан китоб ўқимайдиган бола ўртасида катта фарқ сезилади. Айниқса, бу адабиёт дарсларида иншо ёзиш жараёнида кўринади. Бадиий асарларни муттасил ўқиб борадиган болалар иншони чиройли, равон, фикрларни бир-бирига уйғунлаштирган ҳолда, ижодий ёндашиб ёза оладилар. Бадиий адабиётга қизиқмайдиган болалар эса иншо ёзишда, матн яратишда хатоликларга йўл қўядилар, фикрлари тумтароқ чиқаверади. Нафақат иншода, балки оғзаки ҳикоялар тузишда, ўз фикрларини мустақил баён этишда ҳам китобхон ўқувчилар катта ютуқларга эришадилар.

Шундай экан, фарзандларимизни бадиий адабиётларга болалигидан қизиқтира билишимиз лозим. Бундай вазифани биринчи навбатда оилада ота-она бажарса, иккинчи навбатда ўқитувчи зиммасига олиши лозим.

Болага эртаклар, ҳикоялар ўқиб бериш улар билан бу асардаги қаҳрамонлар ҳақида суҳбатлар қилиш, ундаги китобга бўлган ҳавасни кучайтиради. Ёки бўлмаса, ўқувчилар билан ўқиган китоблари ҳақида ўртоқлашилса, айниқса, мактабларда тез-тез «Ёш китобхон», «Китоб менинг дўстимсан» мавзуларида кечалар, тарбиявий соатларда, она тили, адабиёт ва бошқа дарсларда китобхонликка оид турли ўйинлар, савол-жавоблар ўтказилиб турилса, ўқувчи китобларга меҳр қўя бошлайди, менимча. Бадиий адабиёт боланинг руҳиятини, унинг маънавиятини шакллантириши, бойитиши билан катта аҳамиятга эга.

Биз бу билан болалар компьютердан фойдаланмасин, бошқа техника воситаларига қизиқмасин, демоқчи эмасмиз. Тўғри, замон шиддат билан ривожланмоқда, бундай воситаларни беш қўлдай билиш сув билан ҳаводек зарур. Лекин маънавий озуқамиз манбаи бўлган китобларни ҳам унутмаслигимиз керак. Зотан, китоблардан олинган маънавий озуқанинг ўрнини бошқа нарса боса олмайди.

Шундай экан, болаларимизни китобларга ошно қилиб тарбиялайлик, токи уларнинг мусаффо қалбларида эзгулик, инсонийлик, мардлик каби фазилатлар барқ ураверсин.

Шоира ҲОТАМОВА,
Муборак туманидаги 9-мактабнинг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси

"ТАЪЛИМ ТАРАҚҚИЁТИ" ахборотномасининг

2009 йилдаги 6-сони нашрдан чиқди



Ушбу сонда узлуксиз методик хизмат кўрсатиш тизимини такомиллаштириш ҳамда ўқув-тарбия жараёнининг сифат самарадорлигини янада ошириш мақсадида Халқ таълими вазирлигининг 2009 йил 11 сентябрдаги "Халқ таълими тизимида узлуксиз методик хизмат кўрсатишнинг янги таҳririдаги меъёрий ҳужжатларини тасдиқлаш ҳақида"ги 253-сонли буйруғи чоп этилди.

Бундан ташқари, юқорида қайд этилган буйруқ билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси халқ таълими тизимида узлуксиз методик хизмат тўғрисида Низом;

Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги халқ таълими ходимларига илмий-методик ёрдам кўрсатиш ишларини мувофиқлаштириш кенгаши бўйича Низом;

Республика таълим маркази Устави (янги таҳрирда);

Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳри ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари ҳузуридаги узлуксиз методик хизмат ишларини мувофиқлаштириш кенгаши бўйича Низом;

Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳри ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари ҳузуридаги Методика (таълим) маркази тўғрисида Низом;

Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар ва вилоятлар Методика (таълим) марказлари ҳузуридаги умумтаълим фанлари ва фан йўналишлари бўйича ўқув-методика кенгашлари тўғрисида Низом;

Туман (шаҳар) халқ таълими бўлими қошидаги Методика кабинети тўғрисида Низом;

Туман (шаҳар) халқ таълими бўлими қошидаги Методик кенгаши тўғрисида Низом;

Туман (шаҳар) Методика кабинети қошидаги таянч мактаблари тўғрисида Низом;

Туман (шаҳар) фан Методика уюшмалари тўғрисида Низом;

Таълим муассасаларининг методик кенгаши тўғрисида Низом;

Умумий ўрта таълим мактаби фан методбирлашмалари тўғрисида Низом;

Таълим муассасалари педагогика кенгаши тўғрисида Низом;

Педагогларнинг таълим-тарбия соҳасидаги энг яхши иш тажрибаларини ўрганиш, умумлаштириш ва оммалаштириш бўйича Йўриқнома;

"Методист мактаби"ни ташкил этиш бўйича йўриқнома;

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг 2009 йил 14 октябрдаги "Умумий ўрта таълим мактабларининг ички тартиб-қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида"ги 283-сонли буйруғи ва иловаси нашр этилган.

Мазкур сонда берилаётган ҳужжатлар билан танишган барча халқ таълими бошқарув органлари ходимлари, таълим муассасалари раҳбарлари, услубчилар, ўқитувчилар ҳамда барча муштарийлар иш фаолиятлари учун муҳим бўлган маълумотларни оладилар.

Т.САЛИМОВ

Yanvar — tarix va huquq fanlari oyligi

MODULLI DARS

Modulli ta'lim texnologiyalari asosini modulli dastur tashkil etadi. Unda mavzuning ilmiy, tarbiyaviy va rivojlantiruvchi maqsadi, o'rganish bosqichlari, o'quvchilar dars davomida bajaradigan topshiriqlar, ko'rsatmalar, bilimini nazorat qilish yo'llari ketma-ket yoziladi.

Yangi mavzu e'lon qilinadi va doskaga sana va mavzu sarlavhasi yozib qo'yiladi. O'qituvchi mavzuga doir tuzgan dars modulini guruhlarga taqdim etib, u bilan qanday ishlash kerakligini tushuntiradi. Masalan, 6-sinfda O'zbekiston tarixi darsligidagi «Kushon podsholigi» mavzusini modulli dars usulida o'tkazish mumkin. Darsning umumiy maqsadi taqozosiga ko'ra, mavzu beshta modulga ajratilib, har bir modulning maqsadi va hal etilishi lozim bo'lgan masalalar aniqlab olinadi.

O'quvchilar nechta guruhga bo'linsa, shuncha dars moduli tuziladi. O'quvchilarning o'zlashtirganlik darajasini aniqlash maqsadida test savol-javoblarini o'tkazish ham mumkin. Bu, albatta, vaqtga bog'liq. Dars umumlashtiriladi. Guruhlar rag'batlantiriladi va baholanadi. Vazifa berilib, dars yakunlanadi.

Quyida namunaviy ravishda dars modulining texnologik xaritasi keltirilmoqda:

O'quv faoliyati elementlari (O'FE)	Modulning didaktik maqsadi	Topshiriqlar	Ko'rsatmalar	Ajratilgan vaqt va baho
O'FE-1	1-modul. O'quvchilarning o'quv malakalarini shakllantirish.	Savollarga javob bering: 1. Kushon podsholigining tashkil topishi. 2. Kushon madaniyati.	Darslik asosida individual ishlang.	5 minut. Baho
O'FE-2	2-modul. O'quvchilarni mantiqiy fikrlashga o'rgatish.	Savollarga javob toping: 1. Kanishka qay maqsadda islohotlar o'tkazdi? 2. Kushon podsholigi davrida zardushtiylik va buddaviylik dinlari qanday rivojlangan edi?	Ta'lim mazmuni yuzasidan fikrlaringizni misollar bilan asoslab bering.	5 minut. Baho
O'FE-3	3-modul. O'quvchilarning ijodiy fikrini takomillashtirish va ularga tarbiyaviy ta'sir etish.	1. Siz Kanishka o'rnida bo'lganingizda nima qilgan bo'lardingiz? Nima uchun?	Guruh a'zolari bilan maslahatlashib bajaring.	5 minut. Baho
O'FE-4	4-modul. Mustahkamlash	O'qituvchi test yoki nazorat savollari tuzadi. 1. Kushon podsholigi qachon vujudga keldi? 2. Kanishkaning islohotlari mamlakatni rivojlantirishga qanday ta'sir ko'rsatdi? 3. Kushon davlati nima uchun tanazzulga yuz tutdi?	Individual ishlang.	5 minut. Baho
O'FE-5	5-modul. Modulni yakunlash.	1. Siz moduldan ko'zlagan maqsadga erishdingizmi? 2. Mavzuni puxta o'zlashtirishda nima yordam berdi va nima xalaqit berdi? 3. Qaysi masalalar tushunarsiz bo'ldi?	O'z fikringizni bayon eting.	5 minut. Baho

Modulli darsdan foydalanilsa, o'quvchilar mustaqil ishlashga intiladi, faolligi oshadi (iloji boricha, har bir o'quvchining javobini eshitish va tahlil qilish zarur). Darsning ushbu shakli o'quvchini bilim olishga qiziqtirib, darsdan zerikishining oldini oladi.

Akrom SATTOROV,
Hamza tumanidagi 226-maktabning tarix fani o'qituvchisi

Ma'rifat
2010-yil 9-yanvar

Она юртимиз қадим замонлардан алп баҳодирлар Ватани бўлиб келган. Миллатимизнинг ўзлиги, эзгу орзу-ниятлар рамзи бўлган Алпомиш ва Барчинойлар сиймоси бунинг ёрқин мисолидир. Асрлар оша номлари бугунги кунимизга қадар етиб келган Спитамен жасорати, Широқ афсонаси, Тўмарис заковати, Жалолиддин Мангубердининг довюраклиги, тенгсиз азму шижоат ва чуқур тафаккур соҳиби бўлган Амир Темур сиймосида халқимизнинг эзгу қадриятлари, она-Ватанга бўлган муҳаббат акс этган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг ташаббуси ва ғамхўрлиги билан мустақиллик йилларида баркамол авлод тарбиясига, шу жумладан, мамлакатимизда спортни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Шу маънода юртимиз спорти тарихи, ҳозирги кунда мамлакатимизда миллий спорт турларини ривожлантиришга бўлган катта эътибор, соғлом турмуш тарзини аҳолининг кенг қатламлари ўртасида тарғиб қилиш, машҳур полвонлар, спорт усталари хотирасини абадийлаштириш, улар эришган ютуқларни ёшлар ўртасида оммалаштириш ва рағбатлантириш ҳамда ўзининг энг навқирон ўсмирлик даврини спортга бағишлаган фахрий полвонларнинг келгуси ҳаётий фаолиятида кўмаклашиш мақсадида 35та яккакураш федерациялари муассислигида «Polvonlar Milliy Ensiklopediyasi» жамияти ташкил этилди. Тарихдан маълумки, халқимиз шон-шавкатда тенгсиз, ор-номусли ўғлонларини ҳурматлаб, уларнинг исмига баҳодир, паҳлавон, полвон сўзларини қўшиб айтиб келади. Мана шундай гўзал анъаналарни ёш авлод онгига сингдиришнинг аҳамияти, айниқса, бугунги глобаллашув даврида ниҳоятда муҳим. Зеро, миллий қадриятларга ҳурмат миллатни юксакларга чорлайди.

Айнан шундай олижаноб мақсадларни ўз олдига қўйган «Polvonlar Milliy Ensiklopediyasi» Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги билан бирга республикамиздаги умумий ўрта таълим муассасаларида «Ёш полвонлар» тўгаракларини ташкил этиш йўлидаги навбатдаги қадамни қўйди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, «Polvonlar Milliy Ensiklopediyasi» жамияти биргаликда «Сиз полвонларингизни биласизми?» республика умумтаълим мактаблари, академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлариаро танловни эълон қилади.

Қуйида ана шу жараёнларни ташкил этиш йўлида ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қиладиган низомлар матни ҳамда танлов шартларини эътиборингизга ҳавола этамиз.

«Ёш полвонлар» тўгараклари ҳақида НИЗОМ

Умумий қоидалар

Ўзбекистоннинг шуҳратини оламга танитган фахрий полвонлар номларини абадийлаштириш, уларнинг бой маданий-миллий меросини ёшларга етказиш, ёшларни миллий ғоя руҳида тарбиялаш мақсадида «Polvonlar Milliy Ensiklopediyasi» жамияти ташкил этилди.

Жамиятнинг ўсиб келаётган ёш авлодда спортимиз тарихи ва бугунги ҳаётига нисбатан ғурур туйғусини уйғотиш, ёшларни спорт билан шуғулланишга жалб этиш, Ватанимизнинг тарихий-маданий меросига, жисмоний тарбия ва спорт тарихига ҳурмат туйғусини ошириш, спорт фахрийларига ғамхўрлик кўрсатиш, фаол ҳаёт тарзини шакллантириш каби мақсад ва вазифаларни амалга оширишга мўлжалланган дастурига кўра, умумтаълим мактабларида «Ёш полвонлар» тўгараклари ташкил этилади.

«Ёш полвонлар» тўгараклари Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонунни (17-модда) ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» (3.3.3. боб) талаблари асосида ташкил этилади ҳамда болалар ва ўсмирларнинг бўш вақтини самарали ўтказиш, уларни умуминсоний ва миллий қадриятлар асосида тарбиялаш, қўшимча дастурларни амалга ошириш, шунингдек, оммавий-спорт ва жисмоний-соғломлаштирувчи тадбирларни амалга оширишга қаратилган.

«Ёш полвонлар» тўгараклари (тўгараклар) умумтаълим муассасаларида (мактабларда) ташкил этилади ва Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонуни ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури», «Умумий ўрта таълим низоми», «Мактабдан ташқари таълим низоми», «Умумий ўрта таълим муассасаларининг намунали низоми» ва мазкур Низом асосида фаолият юритади.

Тўгараклар ихтиёрий асосда фаолият юритади. Тўгараклар фаолиятида иштирок этиш истагини билдирган умумтаълим муассасаларининг (мактаблар) ўқувчилари уларнинг аъзолари бўлиши мумкин.

Тўгараклар фаолиятининг умумий бошқарувини мактаб директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари амалга оширади. Тўгаракларнинг бевосита ишларини директор томонидан тайинланган мактаб ўқитувчиларидан бири ёки ота-оналар жамияти вакили бошқаради. Тўгарак бошқаруви жамоатчилик асосида амалга оширилади.

Тўгараклар дарсдан ташқари вақтда, мактаб директори томонидан тасдиқланган самарали, йиллик ва кундалик режалар, шунингдек, махсус дастурлар асосида иш олиб боради.

Тўгаракларнинг умумий методик бошқаруви «Polvonlar Milliy Ensiklopediyasi» жамиятининг кенгашига топширилади.

1.Тўгаракларнинг мақсад ва вазифалари

1.1. Тўгаракларнинг асосий мақсади ўқувчиларнинг якка таълим олиш талабларини қондириш, уларнинг бўш вақтини бекор ўтказмаслик, миллий қадриятларга асосланган ва тобора ўсиб бораётган жаҳон тажрибасини ҳисобга олувчи бўш вақтни самарали ўтказиш дастурлари ва дидактик лойиҳаларни ташкиллаштириш, халқни жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги маданий-тарихий анъаналар билан таништириш, фахрий полвонлар, ҳозирги яккакурашчилар ҳақидаги маълумотларни йиғиш ва кўпайтириш.

1.2. Тўгараклар қуйидаги вазифаларни амалга оширади:

— ўсиб келаётган авлодни ватанпарварлик, мустақиллик тимсолларига содиқлик руҳида тарбиялаш;

— ўқувчиларни спорт машғулотларига жалб этиш;

— фаол ҳаёт тарзини шакллантириш;

— Ватанимиз, спорт ва яккакураш тарихига чуқур қизиқиш уйғотиш;

— Жамиятнинг фахрий полвонлари, ҳозирги яккакурашчилари, мураббийлари ҳақидаги маълумотларни қайта тиклаш ва келажак авлодларга етказиш борасидаги фаолиятига тегишли бўлган ҳужжатлар ва предметларни тўплаш, саралаш, таҳлил қилиш ва «Polvonlar Milliy Ensiklopediyasi» жамиятига тақдим этиш;

— спорт ва яккакураш машғулотларини оммалаштириш бўйича ишларни амалга ошириш;

— спорт фахрийларига ғамхўрлик, уларнинг оилаларига ёрдам кўрсатиш.

2.Ҳуқуқ ва мажбуриятлар

2.1. Тўгарак аъзоси ҳуқуқлари:

— тўгарак аъзоларининг ҳуқуқлари ва қонуний талабларини ифодалаш ва ҳимоя қилиш;

— белгиланган тартибда ижтимоий ҳаёт ва мактаб фаолиятининг турли саволлари бўйича ташаббускор чиқишлар қилиш, тўгарак фаолиятини мукаммаллаштириш бўйича бошқарувга таклифлар киритиш;

— устав вазифаларини амалга ошириш учун корхона ва идоралар, жамоат ташкилотлари билан самарали ҳамкорликни ривожлантириш;

— устав фаолиятига доир семинар ва конференциялар, кўргазма, бурчаклар ва экспозицияларни ўтказиш;

— пулсиз асосда (текинга) тўгарак фаолиятида иштирок этиш;

— тўгаракнинг устав вазифаларини бажаришда зарур бўлган маълумотларни қаршиликсиз тўплаш;

— спорт фахрийлари, амалдаги спортчилар ва мураббийлар билан учрашиш;

— экспозиция ва кўргазмаларни ташкиллаштириш, «Polvonlar Milliy Ensiklopediyasi» жамиятига топшириш учун матнли ва расмли ҳужжатларни, предмет ва экспонатларни ҳамда бошқа маълумотларни олиш;

— оммавий ахборот воситаларига ўзининг фаолияти ҳақида хабар бериш.

2.2. Тўгарак аъзосининг мажбуриятлари:

— Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига риоя қилиш;

— жамият, мактаб, халқ таълими органлари, жамоат ташкилотлари томонидан ўтказиладиган тадбирларда иштирок этиш;

— маълумот қидиришда фаол ва собитқадам бўлиш;

— яхши ўқиш, доимо спорт билан шуғулланиш;

— мактабнинг жамоат ҳаётида фаол иштирок этиш;

— катталарга, спорт фахрийларига эътиборли бўлиш, уларни ҳурмат қилиш;

— Ватан, она юрт, спорт ва яккакураш тарихига чуқур қизиқиш;

— спорт ва яккакураш машғулотларини оммалаштириш;

— ўқишда эътиборли ва ҳалол бўлиш;

3.Тўгараклар фаолияти

3.1. Тўгарак аъзолари ўз фаолиятини йиллик режа ва кундалик дастурлар асосида ташкиллаштиради.

3.2. Тўгаракда ташкилий ишларга қизиқувчи ўқувчилар орасидан Актив (кенгаш) танланади. Актив аъзоларининг сони 3-5 ўқувчидан иборат бўлади.

3.3. Кенгаш йиғилишида аъзоларнинг камида учдан икки қисми иштирок этганида қарор қабул қилиш ҳуқуқига эга. Кенгаш қарори йиғилишда иштирок этган аъзоларнинг кўпчилик қисми овоз берганда қабул қилинади. Овозлар сони тенг бўлганда Кенгаш раҳбарининг овози ҳал қилувчи ҳисобланади.

Қарорлар ошкора овоз бериш йўли билан қабул қилинади.

3.4. Кенгаш аъзосининг мажбуриятлари:

— Кенгаш ваколатига тегишли бўлган барча масалаларни тайёрлашда ва муҳокама қилишда фаол иштирок этиш;

— Кенгаш топшириғига кўра алоҳида масалалар юзасидан мутахассис вакил сифатида чиқишлар қилиш;

— Кенгаш қарорларини (вазифаларини) амалга оширишда фаол қатнашиш.

Кенгаш аъзосининг ҳуқуқлари:

— Кенгашда муҳокама қилинувчи саволлар ва қабул қилинадиган қарорлар бўйича муқобил таклифлар бериш;

— Кенгаш томонидан тузиладиган комиссияда сайлаш ва сайланиш;

— Кенгаш комиссиясидан (секцияси, қўмитаси) бирининг бошқарувини амалга ошириш;

— Кенгаш фаолиятини мукаммаллаштиришга доир таклифлар бериш.

3.5. Кенгашни Раҳбар бошқаради. У Кенгаш қарори билан сайланади. Кенгаш аъзоларининг 2/3 овозини олган шахс – сайланган номзод ҳисобланади.

3.6. Кенгаш Раҳбари унинг ваколатига кирувчи, Кенгаш фаолиятига доир масалалар бўйича қарорлар қабул қилиш ҳуқуқига эга.

Кенгаш Раҳбарининг мажбуриятлари:

— Кенгаш ишини ташкиллаштириш, Кенгаш қарорларини биргаликда амалга ошириш;

— Кенгашнинг қарорларини тасдиқлаш;

— Кенгашнинг иш режасини тузиш жараёнини бошқариш;

— Кенгаш комиссиясининг ҳисоботларини эшитиш ва тасдиқлаш.

3.7. Тўгарак аъзолари қидирув ишларини олиб боради. Тўгарак аъзолари қуйидаги маълумотларни тўплайди, таҳлил қилади ва умумлаштиради:

— XIX-XXI асрларда яшаб ўтган ва ҳозирда ҳаёт, яккакураш спорт турлари билан шуғулланиб, Олимпия, Осиё ўйинларида, Жаҳон, Европа ва мамлакат чемпионатларида, халқаро турнирларда ғолиб ва совриндор бўлган полвонлар ва мураббийлар ҳақидаги матнли ва расмли ҳужжатлар, экспонатлар ва предметлар;

— туман, шаҳар ва вилоятлардаги чемпионлар ҳақидаги маълумотлар;

— машҳур спортчиларни тайёрлаган мураббийлар ҳақидаги тарихий ва биографик маълумотлар;

— жисмоний тарбия маданияти ва спорт, спорт яккакурашлари ривожига салмоқли ҳисса қўшган машҳур олимлар, ўқитувчилар, методистлар ҳақида маълумотлар.

Тўгарак аъзолари томонидан тўпланган нарсалар ва маълумотлар ёрдамида мактаб музейи экспонатларини, шунингдек, алоҳида экспозиция ва кўргазмаларни ташкил этиш мумкин.

Тўгарак аъзолари маълумотлар тўплаш учун газеталар, китоблар ва архив маълумотларини ўрганишади.

Тўгарак аъзолари спорт фахрийлари ва уларнинг оилалари томонидан тақдим этиладиган, уларнинг спортчи ёки мурраббийлик фаолиятига тегишли бўлган маълумотларни ихтиёрий равишда қабул қилади.

3.8. Тўгаракда тўпланган маълумотлар ҳисоботи бўйича журнал тутилади. Журнал мактаб директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари назорати остида, тўгарак раҳбари томонидан бошқарилади.

3.9. Тўгарак аъзолари амалга оширилган ишлар ва режалар бўйича, ойда камида бир марта йиғилиш ўтказади.

3.10. Тўгарак раҳбари Жамият билан телефон, почта, Интернет тармоғи орқали мунтазам алоқа олиб боради.

3.11. Олинган маълумотлар дастлабки баҳолашдан сўнг, кейинги текширувлар учун Жамиятга юборилиши керак.

«Сиз полвонларингизни биласизми?» республика умумтаълим мактаблари, академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлариаро танлов НИЗОМИ

Танлов ташкилотчилари

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги;

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги;

«Polvonlar Milliy Ensiklopediyasi» жамияти;

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази.

1.Мақсад-вазифалар

Ўсиб келаётган ёш авлодни, жисмонан соғлом, маънавий баркамол, Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш бугунги куннинг муҳим вазифаларидан ҳисобланади. Бу борада ёшлар ҳаётида ўз ўрнига эга бўлган спорт турларини ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади.

Қайд этиш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг ташаббуси ва ғамхўрлиги билан мустақиллик йилларида мамлакатимизда спортни ривожлантиришга бўлган эътибор, бу борада амалга оширилаётган чора-тадбирлар ўз самарасини бермоқда, ўзбек спорти нуфузи тобора ошиб, дунё миқёсида эътироф этилмоқда. Халқимиз орасидан дунё миқёсида ўз ўрни, шуҳратига эга бўлган спорт усталари етишиб чиқди. Жумладан, ўтган асрларда чор мустамлакаси ва собиқ иттифоқ даврида халқ турмуш тарзидан сунъий равишда сиқиб чиқаришга ҳаракат қилинган миллий кураш қайта тикландигина эмас, балки тарихда илк бор халқаро миқёсга чиқди. Миллат фахри-ғурури бўлган полвонлар йирик мусобақаларда Ўзбекистон байроғи остида юрт шаънини ҳимоя қилмоқдалар. Мамлакат равнақи, халқимиз истиқболи йўлида амалга оширилаётган бу саъй-ҳаракатларнинг ёшлар онгига сингдирилиши уларнинг маънавий юксалишлари, ўзликларини англаш, кимларнинг авлоди, кимларнинг фарзандлари эканликларини теран тушуниб етишлари, улар бошлаган ишларнинг муносиб давомчилари бўлишларига хизмат қилади. Зеро, давлатимиз раҳбари кўп марта таъкидлаганидек, ҳар бир соҳада устоз-шогирдлик анъанаси қарор топиши эришилган ютуқлар давомли бўлишини таъминлайди. Хусусан, юртимиз спорти дарғалари номи, уларнинг салоҳияти, Ватан ва халқимиз шарафини ҳимоялашдаги фидойилиги, эришган ютуқлари, уларнинг ҳаёт тарзи бугунги ёшлар учун ибрат бўлиши лозим. Улар ўз йўналишлари бўйича шакллантирган маҳорат мактаблари бугун миллий спортимиз оламига кириб келаётган умидли спортчиларимизга сабоқ бўлиши мақсадга мувофиқ.

«Сиз полвонларингизни биласизми?» республика умумтаълим мактаблари, академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлариаро танловдан кўзланган мақсад ҳам ёшларнинг бу борадаги билим-салоҳиятларини ривожлантириш баробарида, вақт ўтиши билан номлари унутилиб бораётган миллий спорт юлдузлари, эл полвонлари ҳақида маълумотлар тўплаш, уларнинг номларини абадийлаштириш, фахрий спортчиларга иззат-ҳурмат кўрсатишга қаратилган. Бу хайрли ишларда ўсиб келаётган ёш авлоднинг бевосита иштирок этиши эса авлодлар давомийлиги, оталар иши давомчиси бўлишдек қадриятларимизга хизмат қилади.

2.Танловни ўтказиш тартиби

Ташкилотчилар йиғилишида танловни ўтказиш бўйича ташкилий қўмита, ҳакамлар ҳайъати тузилиб тасдиқланади.

Ташкилий қўмита танловни ташкил этиш, ўтказиш ва якунлаш ишларини бошқаради.

Ҳакамлар ҳайъати танловга келган ишларни баҳолаш, ғолибларни аниқлаш ишларига масъул бўлади.

Танлов республикада фаолият олиб бораётган умумтаълим мактаблари, академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари ўртасида уч босқичда ўтказилади:

Туман (шаҳар) босқичи;

Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлар босқичи;

Республика босқичи;

Ҳар бир босқичда танлов иштирокчилари фаолияти 10 балли системада баҳоланади.

3.Танлов шартлари

Танловда қуйидаги жиҳатлар асосий мезон сифатида белгиланади:

3.1. XIX-XXI асрларда яшаб ўтган ва ҳозирда ҳаёт, яккакураш спорт турлари билан шуғулланиб, Олимпия, Осиё ўйинларида, Жаҳон, Европа ва мамлакат чемпионатларида, халқаро турнирларда ғолиб ва совриндор бўлган полвонлар ва мураббийлар ҳақида тақдим этилган энг кўп ва тўлиқ маълумотлар.

3.2. Туман ва шаҳарларда истиқомат қилувчи, эл-юрт орасида танилган, яккакураш спорт оламида ўз обрўйига эга бўлган полвонлар ва мураббийлар ҳақида тақдим этилган энг кўп маълумотлар.

3.3. Умумтаълим мактаблари, академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларининг яккакураш спорт турлари бўйича мусобақалардаги иштироки ва энг кўп ютуқлари.

3.4. Республикада мавжуд барча яккакураш спорт турлари тарихи ва бугунги ҳолати ҳақидаги энг кўп ва тўлиқ маълумотлар.

3.5. Яккакураш полвонлари сулоласи ҳақидаги энг кўп ва тўлиқ маълумотлар.

3.6. Яккакураш турлари ва полвонлари ҳақида энг қадимий археологик топилмалар ва ёзма манбалар тўғрисидаги маълумотлар.

3.7. Умумтаълим мактаблари, академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларида ташкил этилган мамлакатимиз ҳудудларида яшаб ўтган ва ҳозирда ҳаёт яккакурашчи полвонлар ва мураббийлар, уларнинг яккакураш спорт турлари равнақига қўшган ҳиссаси ҳақида кенг ёритилган энг яхши бурчаклар ва тўгараклар.

3.8. Яккакураш турларидаги мусобақаларда ёш спортчиларнинг юқори натижаларга эришиши учун умумтаълим мактаблари, академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларида амалга оширилаётган тарғибот-ташвиқот ишлари.

Танлов иштирокчилари томонидан тақдим этилган маълумотлар матн, расм кўринишида ва уларнинг электрон вариантида қабул қилинади.

Маълумотларнинг сифатли ва ҳақиқийлиги нуфузли экспертлар гуруҳи томонидан текширилади.

Барча маълумотлар: умумтаълим мактаблари, академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари директорлари ва уларнинг ҳудудида жойлашган фуқаролик йиғини (маҳалла) раиси, туман Маданият ва спорт ишлари бўлими раҳбари томонидан тасдиқланган бўлиши шарт.

4. Ғолибларни тақдирлаш:

4.1. Туман (шаҳар) босқичлари ғолиблари «Polvonlar Milliy Ensiklopediyasi» жамияти, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими марказининг ҳудудий бўлимлари томонидан ташкил этилган махсус тадбирда эълон қилиниб, диплом ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланади.

4.2. Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри, вилоятлар босқичи ғолиблари «Polvonlar Milliy Ensiklopediyasi» жамияти, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими марказининг Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри, вилоятлар бошқармалари томонидан ташкил этилган махсус тадбирда эълон қилиниб, диплом ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланади.

4.3. Республика босқичи якунларига бағишланган тантанали маросим Тошкент шаҳрида ўтказилиб, ғолиблар диплом ва «Polvonlar Milliy Ensiklopediyasi» жамияти ҳамда ҳомийлар томонидан таъсис этилган қимматбаҳо мукофот билан тақдирланади.

«Сиз полвонларингизни биласизми?» танлови шартлари билан таништириб ўтамиз. Йил давомида ўтадиган танлов шартлари қуйидагиларга асосланади:

1.Танловда муносиб иштирок этишда республикамиздаги барча умумтаълим мактаблари, академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари 35та яккакураш федерациялари, ассоциациялари, клуб ва марказларининг тарихи ва ҳозирги фаолияти бўйича тўлиқ маълумотга эга бўлиши катта ёрдам беради. Сабаби, шу орқали ёшлар ўзига мос яккакураш спорт турларидан бирини танлаб олиш имкониятига эга бўлади.

2. Ҳар бир мактаб, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари фақат ўзининг мактаб, лицей ва коллежларида таълим олган, яшаб ўтган ва ҳозирда ҳаёт бўлган полвонлар-мураббийлар ҳақида маълумотлар тўплайдилар. Маълумотлар 35та яккакураш федерацияларидаги спорт турлари билан шуғулланган полвонлар ҳақида бўлиши лозим. Бунинг учун:

• полвоннинг, шу жумладан, вилоятларда, тўйларда курашиб, улоқ-кўпкарида қатнашиб, эл-юртда обрўга эришган ёки тош кўтариб, халқимизни хурсанд қилиб келаётган баҳодирларнинг тўлиқ таржимаи ҳоли ёзилади;

таржимаи ҳолда:

• полвоннинг шажараси ва оила аъзолари ҳақида қисқа маълумот;

• полвоннинг қайси яккакураш билан шуғуллангани, қайси мусобақаларда чемпион ва совриндор бўлгани тўғрисидаги маълумотлар, албатта, қайд этилиши лозим;

• агар оилада бир нечта полвон бўлса, уларнинг ҳар бирининг таржимаи ҳоли тўлиқ ҳолда тақдим этилади;

• оилавий суратлар, полвоннинг мусобақалар давомида, шу жумладан, медаллари билан бирга олинган расмлари ва видеофильмлари, сулоласининг тарихий расмлари ҳам маълумот сифатида қабул қилинади;

• полвоннинг мураббийси, унинг мусобақаларда эришган ютуқлари, тайёрлаган шогирдлари, таржимаи ҳоли ҳам тўлиқ берилади.

3. Умумий ўрта ва ўрта махсус таълим муассасаларида таълим олаётган ёш ва иқтидорли яккакурашчилар ҳақидаги маълумотларда қуйидагилар эътиборга олинади:

• мактаб, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларининг бирида таҳсил олаётган ва 35та яккакураш спорт турларининг маълум тури билан шуғулланаётган полвон-ўқувчиларнинг сони, уларнинг тўлиқ исм-шарифи, отасининг исми, мактаб, туман, республика, қитъа ва жаҳон миқёсидаги қайси мусобақаларда қатнашгани, эришган ютуқ ва совринлари ҳақидаги маълумотлар;

• ҳар бир мактаб, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларининг 35та яккакураш федерациялари доирасидаги спорт турлари билан доимий шуғулланиб боришлари учун яратилган шароитлар, ўқувчиларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш учун таълим муассасаси раҳбарияти томонидан олиб борилаётган ташвиқот ишлари ҳақида маълумотлар.

Шуни қўшимча қилиш лозимки, ҳар бир мактаб, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида тасдиқланган Низом асосида ташкил этилган «Ёш полвонлар» тўгараклари иштирокчилари яратган фахрий полвонлар бурчакларидан ҳам юқоридаги маълумотлар жой олади. Бундан ташқари, мактаб, академик лицей, касб-ҳунар коллежларида фахрий полвонлар ва уларнинг оилалари билан учрашувлар ўтказилади.

4. Яккакурашлар тарихи ва бугуни ҳақидаги маълумотларни тўплаш ва етказишда қуйидагиларга эътибор қаратиш даркор:

• мактаблар, академик лицейлар, касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари яккакураш спорт турининг 35та федерацияси, ассоциация ва клубларининг дунёга келиши, ушбу спорт тури қайси давлатда пайдо бўлгани, ўша давлат ўтмиши ва мазкур спорт турларининг Ўзбекистонга кириб келиш тарихи;

• агар Ўзбекистон миллий спорт тури бўлса, унинг чуқур тарихи ва қачон дунёга келгани, ҳозирги кундаги тараққиёти ва халқаро миқёсда оммалаштириш борасида олиб борилаётган ишлар, бу борада эришилган ютуқлар.

5. Урф-одатларимизда ҳар бир киши ўз шажараси ҳақида маълумотга эга бўлиши катта ўринга эгалиги ўз аксини топган. Танловда ҳам ушбу анъана, хусусан, сулола, шажарага ҳам алоҳида аҳамият берилган. Бунинг учун:

• полвоннинг ота-боболари, авлоддан-авлодга ўтиб келаётган оилавий анъаналар, уларнинг фарзандлар, невараlar томонидан қай даражада давом эттирилаётгани хусусидаги маълумотларга эътибор берилади.

6. Қадриятларимиздан яхши маълумки, яккакураш спорт турлари юртимизда қадим замонлардан бери оммавий спорт тури ҳисобланади. Демак, иштирокчилар XIX-XXI асрлар ва ундан олдинги даврдаги тарихий археологик топилма ёки ёзма манбаларни республиканинг исталган ҳудудидан излаш ва топиш имкониятига эга деб бемалол айта оламиз.

Бунинг учун қуйидагиларга аҳамият бериш лозим:

• ҳар бир мактаб, академик лицей, касб-ҳунар коллежи республика бўйлаб археологик топилмалар ва полвонларга тегишли бўлган тарихий ёзма манбаларни излаб топишга эътибор қаратса мақсадга мувофиқ бўлади. Шу орқали тўлиқ тарихий маълумот базаси яратилади. Ёзма манбалар араб, форс, лотин ва бошқа тилларда бўлиши мумкин.

7. Мактаб, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари томонидан тўпланган маълумотлар 14 шрифт ҳажмида, 1 интервалда ёзма ва электрон вариантда тақдим этилиши лозим. Тасвирий фактлар, хусусан, расмлар рангли, оқ-қора кўринишда бўлиши мумкин.

Ёзма манбалар мактаб, лицей, коллежлар директорлари, мазкур муассаса жойлашган маҳалла раислари ва туман маданият ва спорт ишлари бўлимлари бошлиқлари томонидан имзоланади ва муҳрланади.

«ПОЛВОН» СЎЗИНИНГ МАЪНОСИ

«Полвон» сўзига изоҳ:

1. ***Полвон*** — бир-бири билан ғолиблик учун яккама-якка беллашган рақиблар. Буларга барча яккакураш спортчилари, масалан, боксчи, каратэчи, таэквондочи, курашчи, дзюдочи, самбочи, қиличбоз ва ҳоказолар киради.

2. ***Полвон*** — от устида бир нечта рақиблар билан яккама-якка олишиб, ўз улушини ажратиб олган ва улар орасидан қутулиб чиққан ғолиб. «Улоқ, Кўпкари» ўйинлари ва «от спорти» спортчиларини мазкур турга киритиш мумкин.

3. ***Полвон*** — эл-юрт олдида, тўй-томошаларда ва мусобақаларда тош кўтариб ўз кучи ва маҳоратини намойиш қилувчи паҳлавонлар. Баҳодирлар ўйинлари, тош, штанга кўтариш каби спорт турлари билан шуғулланувчи халқ паҳлавонларини мазкур турга киритиш мумкин.

4. ***Полвон*** — миллатидан қатъи назар ўз юртининг шон-шуҳратини, тинчлигини, фаровонлигини асраш учун душманга қарши курашган ва бу йўлда керак бўлса ўз жонини фидо қилишга тайёр асл ўғлонлар.

5. ***Полвон*** — жисмоний жиҳатдан кучли, бақувват киши; баҳодир, паҳлавон.

6. ***Полвонлик*** — полвонларга хос иш, хатти-ҳаракат, қаҳрамонлик.

7. ***«Полвон»*** сўзи бошқа тилларга таржима қилинмайди, тўлиқлигича «полвон» ёки «polvon» деб айтилади ва ёзилади.

КОНСПЕКТ ЁЗГАН ЎҚУВЧИ ЮТҚАЗМАЙДИ

Ta’kid

Бир синфда 30 нафар ўқувчи бўлса, уларнинг табиати, характери ҳам 30 хил бўлади. Шунингдек, ўқувчи тутган дафтарлар ҳам турли-туман. Баъзиларнинг дафтарлари озода, ёзувлари чиройли, ҳошия чизилган, бу ҳол, айниқса, қиз болаларда кўпроқ кузатилади. Лекин айрим ўғил бола ўқувчилар ҳам борки, уларнинг дафтарлари тоза, озода тутилгани, ўзига хос хуснихати билан ўқитувчиларнинг кўзини қувнатади, баъзи ўқувчиларнинг дафтарларини текширганда эса, ҳатто уни дафтар деб атагинг келмайди киши.

Таъкидлаш ўринлики, кимё дарсларида маъруза ва амалий машғулот дафтарлари тутиши, хусусан, маъруза дафтарга назарий тушунчалар, қоидалар, қонунлар, формулалар ва ҳоказолар ёзилиши ва билимлар мустаҳкамланиши, амалий машғулот дафтарига эса тажриба натижалари, хулосалар, ишлатиладиган реактив, асбоб-ускуналар қайд қилиниб борилиши зарур. Ўз-ўзидан аёнки, дафтарга формулалар, реакция тенгламалари қайд қилиб, такрор ўқиб борилса, улар ўқувчилар хотирасида узоқ муддат сақланиб қолади.

Қолаверса, ўқувчи дафтари — бу унинг юзи ва ишларининг кўзгусидир. Шу билан бирга фан ўқитувчисининг ҳам. Унга қараб ўқувчининг фанга бўлган муносабати, билимининг қай даражадалиги, амалиётда қўллай билиши, шу билан бирга ҳатто ўша ўқувчи табиатининг баъзи бир белгилари — озодалиги, саранжон-сарishталиги, тежамкорлиги, ижодкорлиги ҳақида аниқ фикрга келиш мумкин. Бундан ташқари, фан ўқитувчисининг қай маҳорат билан дарс ўтганлигини ҳам билиб оламиз.

Аввало, ўқитувчи доскада ёки мультимедиа орқали экранда мавзу режасини, унда кўп қўлланиладиган таянч сўзларни тартиб билан ёзиб қўйиши шарт.

Ўқувчининг мавзу, режа ва мавзу мазмун-моҳиятини дафтарга ёзиб бориши бу унинг ақлий меҳнат маданияти тарбияланишига, билим даражаси ошишига сезиларли таъсир кўрсатади. Бир вақтнинг ўзида унинг эшитиш, кўриш қобилияти ва хотираси жонланади. Тез ва қисқа ёзишни ўрганади. Дафтарга ёзиш вақтини тезлаштириш учун сўзларни қисқартиришни кимёга хос ишлатиладиган сўзларда ҳам қўллаш мумкин.

Масалан: Оксидланиш-қайтарилиш реакциялари сўзини (Окс-қай р-я), электрон (э), атом (а), молекула (м), нисбий электроманфийлик (НЭМ) ва ҳоказо. Бу вақтни тежашда жуда катта аҳамиятга эга.

Дафтарга реакция тенгламаларини қайд қилиб, тенгламанинг чап ва ўнг томонидаги атомлар сонини тенглаштиришни оксидланиш-қайтарилиш реакцияларида кўриб чиқсак. Тенглаштиришнинг энг осон усули — реакция тенгламасининг чап ва ўнг томонидаги кислород атомлари сонини ҳисоблаб текшириб чиқиш. Реакция тенгламасининг тўғрилигига ишонч ҳосил қилиш учун уни ҳисоблаб чиқиш етарли. Бошқа элемент атомларини ҳисобламаса ҳам бўлади. Ўқувчилар ҳисоблашни яхши ўзлаштириб олишса, реакция тенгламаларини тенглаштиришда камдан-кам ҳолларда хатога йўл қўйишлари мумкин. Тенглама ечишни ўзлаштирган ҳамда дафтарларга қайд қилинган мавзулар юзасидан савол туза билган ўқувчиларда ўз-ўзини бошқариш ҳисси ортиб боради. Асосийси, бу ҳолат ўқувчиларнинг ушбу мавзуни, фанни чуқур ўзлаштиришига самарали ёрдам беради.

Ўқувчилар мустақил ишлаш жараёнида турли рефератлар, буклетлар тайёрлашади. Бунда ўқувчи интернетдан кўр-кўрона, билар-билмас кўчириш билан шуғулланмасдан, балки мавзу мазмуни билан чуқур танишиши зарур. Зотан, мустақил иш — бу ўқувчининг мавзуни мустақил равишда ўзлаштиришидир. Мустақил иш ёзишда китоблардан фойдаланиш яхши самара беради, бу жараёнда фойдаланилган адабиётлар қайд қилиниши жоиз. Натижада ўқувчи дарслик ва китоб билан ишлашни ўрганади. Қолаверса, ўқувчида ҳам ўқиб, ҳам ёзиш қобилияти юксалади. Энг муҳими, ўқувчининг мустақил фикрлаш доираси кенгаяди.

Зебо АБДУҚОДИРОВА,
Тошкент иқтисодиёт коллежининг кимё фани ўқитувчиси

ҚИСҚАРТМАЛАРДАН СЎЗЛАР ЗАНЖИРИ

Sinab ko‘ring

Дарсда янги педагогик технологияларни қўллашдан олдин, ўқувчи ёши, руҳияти ва дунёқарашини ҳам эътиборга олиш зарур. Бунинг учун дарс бошида ўқувчилар билан «Олтин қоида» ишлаб чиқиб, нималарга эътибор қаратиш кераклиги белгилаб олинади ва ўқувчиларнинг таклифлари асосида **«Тинчликни сақла!», «Фаоллик», «Вақтни тежа!», «Бир-биримизни ҳурмат қилиш», «Ижодкор бўлиш», «Фикрларни содда, аниқ, лўнда ифодалаш»** каби кўрсатмалар доскага илиб қўйилади. Шу асосда «50х50», «Сиздан угина, биздан бугина», «Етти ўлчаб бир кес», «Ҳамкорликда ҳикмат кўп» каби шиорлардан бири қабул қилиниб дарсни бошлаш ва давом эттириш мумкин. Бундай дарсда ўқувчи фасилитатар — йўлйўриқ кўрсатувчи, кузатувчи ва хулосаловчи сифатида ҳам иш олиб борилашда кўпинча «Сўз занжири», «Тез айтишлар — сўз қайтишлар», «Қайчи», «Балиқчалар билимимизни билмоқчи», «Қисқартмалардан сўзлар бўстони», «Ҳарфлар алмашганда» ва шу каби дидактик ўйинлар орқали улар хотирасини синаб бориш мумкин. Масалан, морфология бўлимига оид сўз туркумлари (5—6-синфлар) ўтиб бўлинганда «Мустаҳкамлаш», «Умумлаштирувчи дарс» ташкил этиш мумкин. Бунда феъл, от, сифат, сон, олмош, равиш каби сўз туркумлари ва уларнинг қоидалари, хусусиятлари, сўроғи ва гапда бажарадиган вазифалари шеърий топишмоқлар асосида такрорланади ва ҳар бир сўз туркумининг биринчи бош ҳарфлари ёзилади. Машқ тугагач ёзув тахтасида **ФОССОР** (**Ф**икрлаш, **О**диллик, **С**аводхон **б**ўлиш, **С**анъатни севиш, **О**қил бўлиш, **Р**остгўй бўлиш) ёзуви асосида кейинги дарс учун топшириқлар аниқланади. Бу асосда ўқувчилар ўз сўз бойликларини синаб, ҳар бир ҳарфга мисоллар ёза бошлайди. Худди шу ўринда болалар 6 гуруҳга бўлиниб, 1-гуруҳ Ф, 2-гуруҳ О, 3-гуруҳ С, 4-гуруҳ С, 5-гуруҳ О, 6-гуруҳ Р ҳарфлари билан бошланувчи туркумга оид ёки сўзларнинг шакл ва маъно муносабатига кўра турлари бўйича сўзлар ёзиши керак бўлади. Мазкур топшириқ орқали ўқувчиларнинг билими ҳамда бажарган ишлари баҳоланади.

Агар сўз туркумларининг гапдаги вазифаси бўйича иш тутилганда ҳам ЭКТАҲ (эга, кесим, тўлдирувчи, аниқловчи, ҳол) асосида сўзлар занжири ҳосил қилиш мумкин. Экосан, Камолот, Тадбиркор, Акция, Ҳиммат каби ҳаётий мисоллар болаларнинг дунёқарашини бойитиб, топқирлиги ва чаққонлигини оширади. Ёки МУЛФОСПО (Морфология, Услубият, Лексикология, Фонетика, Орфография, Синтаксис, Пунктуация, Орфоэпия) каби қисқартмаларда ҳам буни давом эттириш мумкин. Энди бу қисқартмалар бўйича эскирган ва янги сўзлар, атама ва шевага хос сўзлар бўйича сўзлар занжири тузиш топширилади, бунда иборалардан ҳам занжир тизими тузиш топширилса, болаларнинг билими янада чархланади.

Дилбар НОРМУРОДОВА,
Термиз шаҳридаги 11-мактаб ўқитувчиси

ФАРЗАНДИНГИЗГА КИМ ТАЪЛИМ БЕРАЯПТИ?

Биринчи синфда ўқиганимизда параллел синфлар билан кўп рақобатлашардик. Шуниси қизиқки, бир-биримиз билан синф раҳбарларининг қайси бири устун эканлиги ҳақида кўп тортишардик. Устозимиз ҳақида айтилган ёмон фикрдан қаттиқ жаҳлимиз чиқарди. Ҳаддан зиёд ўқитувчимизни яхши кўрганимизданми ёки ўз-ўзидан у берган таълим-тарбия таъсиридами ҳар бир синф ўқувчиларида синф раҳбарининг алоҳида сифатини кўриш мумкин эди. Масалан, бизнинг синфимизда ҳамма ўқувчилар ҳарфларни чап томонга оғиштириб, салгина семизроқ шаклда ёзарди. Чунки ўқитувчимиз шу тарзда ёзар эди. Ўшанда синфда 28та ўқувчи бўлган бўлса, барчамиз бир хил шаклда ёзишимизни кўпчилик гапирган.

Кейинчалик аҳамият бермасам, гапириш ва китоб ўқишдаги оҳанг, мимикамиз ҳам устозимизникига ўхшаб кетаётганини сездим. Бундан келиб чиқиб айтишимиз мумкинки, болада ота-онадан сўнг бошланғич таълим устозининг таъсири кучли бўлар экан.

“Бу йил фарзандим биринчи синфга қадам қўйди. Албатта, ҳар бир ота-она бундай вазиятда биринчи синфларга устозлик қиладиган ўқитувчиларнинг барчаси ҳақида маълумот тўплай бошлайди. Чунки фарзандимизнинг билимли ва маҳоратли педагог қўлида таълим олаётганига ишонч ҳосил қилишимиз керак-да. Бу борада мен фарзандимнинг устози билимли, одобли бўлиши билан бирга, характерига, инсоний фазилатларига, юриш-туриши ва ҳатто кийинишига ҳам эътибор бердим. Чунки биламанки, бир йил ўтмай унда устозига ўхшаш сифатларни кузата бошлайман ва албатта, бу сифатлар ижобий бўлиши керак”, дейди Тошкент вилоятида истиқомат қилувчи Шоҳида Юсуфаҳмедова.

Шундай экан, мактабларимизда бошланғич таълим ўқитувчилари фаолиятига жиддий қараб, уларнинг билими ва савияси, ахлоқ-одоби даражаларига катта эътибор берилаётгани бежиз эмас. Сабаби, эндигина ҳарф таниётган жажжи болажонлар зиёли инсон қиёфасида, аввало, биринчи устозини кўради ва унга тақлид қилади.

Шу ўринда, бошланғич таълим ўқитувчиларида болаларни ўз ортидан эргаштира олишдек катта имкониятлари мавжуд эканлигини таъкидлаш жоиз. Демак, эртанги кун авлодларини баркамол авлод қилиб тарбиялашда ана шу катта кучни тўғри йўналтиришга эришмоғимиз керак.

Шаҳноза ЭГАМБЕРДИЕВА,
Жиззах тумани маиший хизмат касб-ҳунар коллежи ўқувчиси

ЖУРНАЛНИНГ ЯНГИ СОНИ

Биз гоҳи кўз кўриб, кулоқ эшитмаган воқеликларга дуч келамиз. Ва ҳайратларимиз «Дунёда ҳамма нарса бўлиши мумкин экан...» деган хулоса чиқаришимизга асос бўлади. Лекин бизни кўтариб турган Ернинг ўсиши хусусидаги гап далилларни ўрганиб, маълум бир тўхтамга келишга шошириши табиий.



Сизни ана шу иштиёқ безовта қилаётган бўлса, «Maktabda geografiya» журналининг яқиндагина босмадан чиқиб муштарийлари ҳузурига ошиқаётган 11-сонини топинг ва мутолаа қилинг. Мазкур сонда ҳам таҳририят ўз аньаналарига кўра «Ўқитувчига ёрдам» рукни орқали «Доскага расм солиш техникасини ўрганиш» материалига ўз саҳифаларидан жой ажратди. Албатта, сабоқларнинг самарали ва мазмунли ўтиши кўп жиҳатдан муаллимнинг маҳорати, илғор иш тажрибаларидан ўринли ва ижодкорлик билан фойдалана олишига боғлиқ. Шу ўринда Аҳмаджон Маматкаримовнинг «Магнитли ёзувсиз харита, ундан қандай фойдаланамиз?» дея номланган материали алоҳида эътиборга моликдир. Журнал бу чиқишида янги рукнга мурожаат қилиб, Гулнора Аҳмадалиеванинг «География ва адабиёт» мақоласини чоп этдики, унда фанлараро муносабатнинг ўзига хос жиҳатлари далиллар билан изоҳлаб берилган.

Япония бутун дунёни лол қолдириб келаётган муъжизакор мамлакатлар сирасига киради. Умар Исматовнинг «Қуёши чиқадиган юрт» мақоласи орқали дунё бўйлаб саёҳат қиладиган бўлсангиз, бу гал ана шу давлат ҳаёти билан яқинроқ танишасиз. «Рангбаранг олам аро» «Ўлик денгиз қурияптими?» деган саволга жавоб топмоғингиз мумкин. Биз мазкур сондан бошлаб жонкуяр мураббийлар, Халқ таълими аълочилари Турсун Фатуллаев ва Вали Улуғовларнинг «Географик атамалар» қўлланмасидан парчалар бериб бормоқни лозим топдикки, бу ҳам география фанини ўқувчиларга мукаммал ўқитиш бобида кўмакдош вазифасини ўтайди, деган умиддамиз.

...Муқоваси сизга таниш ва қадрдон мовий ранг, глобус ва дунёнинг тўрт бурчи ҳаётини акс эттирмоқ мақсадидаги суратлар билан безатилган «Maktabda geografiya»ни ўқинг ва ўрганганларингизни амалиётга татбиқ этишга шошилинг.

Ойбуви ОЧИЛОВА

Qurolli Kuchlar yurt tayanchi, xalq ishonchi hisoblanadi. Mamlakat chegaralarining daxlsizligini saqlashda zobitu askarlarimiz kunu tun chin yurakdan xizmat qilayotgani barchamizni birdek quvontiradi. Bunda hukumatimiz tomonidan boshqa jabhalar qatori milliy armiyamizni yanada rivojlantirish uchun katta e'tibor qaratilayotgani ahamiyatlidir.

САРҲАДЛАРИ МУСТАҲКАМ ЮРТ

14-yanvar — Vatan himoyachilari kuni

Қуролли Кучлар юрт таянчи, халқ ишончи ҳисобланади. Мамлакат чегараларининг дахлсизлигини сақлашда зобиту аскарларимиз куну тун чин юракдан хизмат қилаётгани барчамизни бирдек қувонтиради. Бунда ҳукуматимиз томонидан бошқа жабҳалар қатори миллий армиямизни янада ривожлантириш учун катта эътибор қаратилаётгани аҳамиятлидир.

14 январь — Ватан ҳимоячилари кунини ҳар бир юртдошимиз кўтаринки кайфият, қалбида ишонч билан кутиб олади.

Қуйида юрт шаънини муносиб ҳимоя қилаётган ҳарбийлар ҳақида ҳикоя қиламиз.

БУРЧГА САДОҚАТ

Юрт осойишталиги ва эл фаровонлиги, энг аввало, тинчлик аталмиш бебаҳо неъматнинг қадрланишига боғлиқ. Бунда эса Ватан сарҳадларининг туну кун сергак посбонлари — ҳарбий хизматчиларимизнинг жасорати алоҳида аҳамиятга эга. Катта лейтенант Дилшод Аббосов сарҳадларимиз дахлсизлигини таъминлашга муносиб ҳисса қўшиб келаётган юрт ўғлонларидан биридир. Сафдошлари унинг тимсолида бугуннинг профессионал ҳарбий хизматчиси қиёфасини кўрадилар, ундан ибрат олишга интиладилар. Ватан манфаатларини ҳар нарсадан устун қўядиган, эл-юрт корига камарбаста бўлиш, тинчлигини қўриқлашни шараф деб биладиган посбон ҳарбий жамоада бурчга садоқати, фидойилиги, хушмуомалалиги билан ҳурмат қозонган.

Шарафли касб эгаси бўлиш, эгнига ҳарбий либос кийиш болаликда Дилшоднинг энг улкан орзуси эди. Ана шундай эзгу ният оғушида юрган ўғлонни тақдир кутилмаган синовга рўбарў қилди: хонадоннинг устуни — отаси бевақт оламдан ўтди. Иродали йигит тақдирнинг бундайин зарбаси қошида эсанкираб қолмади. Аксинча, онаси ва опасига далда, таянч бўлишга интилди. У бир вақтнинг ўзида ҳам ўқишга улгуриши, ҳам рўзғор ташвишини уддалаши керак эди.

Онасининг юпатувчи, далда берувчи сўзлари ўғлонга куч бахш этарди. Қалбида ўқишга бўлган қизиқиш кучайди. Яна аълочилар сафидан жой олди. Бу ҳолат муаллимларни-да қувонтирди. Ахир у ўзининг намунали хулқи, аълочилиги билан мактабда ҳаммага намуна эди-да! Умумтаълим мактабини, сўнгра ҳуқуқшунослик касб-ҳунар коллежини муваффақиятли тамомлаган Д.Аббосов болалик орзусини амалга ошириш мақсадида Самарқанд олий ҳарбий автомобиль қўмондонлик-муҳандислик билим юртига ўқишга кириш учун ҳужжат топширди.

Табиийки, бунгача у синовларга пухта ҳозирлик кўрганди. Шу боис жисмоний ва маънавий синовларда энг юқори кўрсаткичлардан бирини қайд этиб, курсант деган номга сазовор бўлди.

— Ўғлим билан фахрланаман, — деди Муҳаббат опа. — Орзусини амалга ошириб, қанчалар матонатли ва қатъиятли эканини исботлади ҳамда ишончимизни оқлаяпти. Ёлғизгина ўғлимнинг шарафли касбни танлаганидан, ҳам оиламизнинг, ҳам юртимизнинг қалқони, қўрғони бўлганидан ғурурланаман.

Билим юртида таҳсил олиш мобайнида ҳам ўзининг интилувчанлиги, ҳарбий илм сирларини эгаллашга бўлган иштиёқи сабаб мазкур таълим масканини аъло баҳолар билан тамомлашга муваффақ бўлди.

Фаолиятини гуруҳ командири сифатида бошлаган ёш зобит ҳозирда муҳандис сапёрлар взводи командири лавозимида хизмат қилиб келмоқда. У ҳарбий билим юртида олган сабоқларини амалга татбиқ этиб келаяпти. Маҳоратли командир қўл остидаги посбонларга жанговар тайёргарлик машғулотларида билганларини ўргатишдан чарчамайди. Бундан ташқари, гуруҳда ажойиб дўстона муҳит қарор топганлигини ҳам сезиш мумкин.

— Катта лейтенант Дилшод Аббосов ҳарбий жамоада ўзининг илғорлиги, билимдонлиги, соҳага оид билимларни мукаммал ўзлаштиргани билан ажралиб туради, — деди лейтенант Озод Дониёров.

Ёш зобитларни бежизга Қуролли Кучларимиз келажаги, деб атамайдилар. Миллий армиямиз сафларида салоҳияти ва маҳоратда ҳеч кимдан кам бўлмаган посбонларимиз бор экан, тинчлигимиз мангу, осойишталигимиз бардавом бўлади.

Жамшид НИЁЗОВ

ШОҲСУПАДА ЎЗБЕК ЎҒЛОНЛАРИ

Яқинда юртдошларимизни бирдек қувонтирадиган навбатдаги муваффақиятдан хабар топдик. Ал-Форобий номидаги еттинчи халқаро танловда иккинчи бор иштирок этган Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юрти курсантларидан иборат жамоа ўз интеллектуал салоҳияти ва маҳоратини намоён этиб, фахрли 2-ўринга сазовор бўлди. Бундайин юксак ғалаба билан жамоани табриклаб, танлов жараёни ҳақида суҳбатлашдик.

Ҳарбий хизматчилар ўртасида қуролли тўқнашувлар, улар келтириб чиқарадиган оқибатлардан зарар кўрган инсонларни ҳимоя қилиш, бу борадаги билим даражасини синаш мақсадида олий ҳарбий таълим муассасалари курсантлари ўртасида Олмаота шаҳрида ўтказилган мазкур танловда иштирок этган еттита жамоа орасида Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари шарафини ҳимоя қилиш Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юрти курсантлари жамоаси зиммасига юкланди.

Жамоа раҳбари, билим юрти «Гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар» кафедраси бошлиғи подполковник Алипошо Аҳмедов танлов ҳақида қуйидагиларни гапириб берди:

— Бундай нуфузли танловга таклиф қилинганимиз ва Қуролли Кучларимиз шарафини ҳимоя қилишдек масъулиятли вазифа бизнинг билим юртимизга ишониб топширилгани руҳимизни янада кўтариб, қалбимизда фахр-ифтихор туйғусини оширди. Қисқа муддат ичида танлов шартларига тайёргарлик кўрдик. Бунда билим юрти қўмондонлиги томонидан барча шароитлар яратиб берилди. Энг сара, аълочи ва илғор курсантлардан иборат жамоамиз қўйилган шартларни юксак даражада уддалаб, Ўзбекистон посбонлари нималарга қодир эканлигини амалда кўрсатдилар. Танлов шартлари бўйича беллашувлар олти кун давомида қизғин ўтди. Рақиблар ўртасида тажрибали, бир неча бор шу каби танловларда қатнашиб, ғолиблик шоҳсупасига кўтарилган жамоалар бўлишига қарамай, вакилларимиз топқирлик, уддабуронлик ва зеҳн жиҳатдан бошқа давлатларнинг курсантларидан кам эмасликларини амалда исботладилар.

Таъкидлаш жоизки, минтақавий вакиллар ва маҳаллий ҳарбий маслаҳатчилардан тузилган тажрибали ҳайъат аъзолари ҳам ўзбекистонлик курсантларнинг билим ва маҳоратларига тан беришди. Халқаро даражадаги бундай танловларда юқори натижани кўрсатишда жамоамизнинг ҳар битта вакили — жамоа сардори, курсант Марат Баширов, аъзолар — Аброр Мўминов, Отабек Юсупахметов, Суннатилло Қорабоев, Шуҳрат Мамашариповнинг ҳиссаси каттадир.

Ушбу танловда вакилларимиз барча шартлардан, айниқса, жанговар шайлик, тиббий тайёргарлик, тест синови, тактик тайёргарлик ва саҳна кўриниши каби шартлардан энг юқори натижаларни қайд этишди. Курсантлар билан суҳбатлашганимизда ҳам уларнинг қалблари чексиз қувонч ва ғурурга тўла эканлигига амин бўлдик.

— Билим юртига ўқишга кирганимда қувонгандим. Ушбу танловда иштирок этиб, юксак натижага эришганимизда ҳам худди шундай хурсанд бўлдим, — дейди курсант Аброр Мўминов. — Бу биз учун катта масъулият эканлигини юракдан ҳис қилган ҳолда уюшқоқлик билан ҳаракат қилдик ва ғолиблар сафидан жой олдик. Танловга қисқа муддат ичида тайёргарлик кўрган эдик. Аммо билим юртида эгаллаган билимларимиз, орттирган тажрибамиз шартларда муваффақият қозонишимизда муҳим омил бўлди.

Ҳа, курсантларимиз билим, маҳоратда ҳеч кимдан кам эмас. Улар кимларнинг авлодлари эканликларини юрак-юракларидан туюшади. Ана шундайин туйғулар қалбларида уйғоқлиги — аслида энг катта ютуғимиз, ғалабамиз.

Ахрор ОЧИЛОВ

Paskal o'zining o'tkir zehni bilan yana bir muhim — shahar transporti masalasiga eng maqbul yechimni topib bergan. Chunki dastlabki jamoat transport vositasi hisoblangan omnibusni yaratish g'oyasi aynan shu shaxsga tegishli. Shundan keyin kim ham uni «havaskor» deb atashga jur'at qiladi?

Ma'rifat –
2010-yil 9-yanvar

Кўпинча бирор-бир соҳанинг етакчи мутахассиси ҳаваскор ҳақида «у шунчаки юзаки ишқибоз» дея назар-писанд қилмай гапиришига дуч келамиз. Тўғри, агар одам оддий ишқибозлиги туфайли беморни жарроҳлик йўли билан даволамоқчи ёки кўп сонли йўловчилар бор самолётни бошқармоқчи бўлса, бу, шубҳасиз, фалокат дегани. Чунки бундай вазиятда эзгу мақсадда ҳаракат қилмоқчи бўлган ўша ҳаваскорнинг саъй-ҳаракатлари бир эмас, минглаб одамлар ҳаётига хавф туғдириши табиий.

Бироқ ҳаётда шундай бўладики, маълум йўналишда қатор профессионал кадрлар йиллар давомида бош қотириб келаётган масалаларга ушбу соҳадан анча йироқ инсонлар ечим топиб берадилар. Ёки тор доирада фаолият юритадиган тадқиқотчилар бирдан илмнинг мутлақо бошқа йўналишига қизиқиб қолиб, таниқли олимлар хаёлига ҳам келмаган янги технологиялар ва ишларга йўл очишга муваффақ бўлади.

Албатта, бу каби воқеалар ҳар куни ҳам юз бермайди. Айни пайтда оддий ишқибозларнинг тарихда ном қолдирган шундай ишлари борки, улар ҳақида эшитган инсон таъсирланмай қолмайди.

ҲАВАСКОРЛИКДАН ДАҲОЛИККАЧА

Diqqat, yangi rukn:

Topildiq

ВЕРТОЛЁТ, ПАРАШЮТ ВА АКВАЛАНГ

Кундалик ҳаётимизда бизга жуда қўл келадиган ажойиб кашфиётлар рўйхатини нимадан бошласак экан? Келинг, даставвал Уйғониш даврининг йирик намояндаси, илмий мероси асрлар давомида инсонларни лол қолдириб келаётган ўша афсонавий Леонардо да Винчи ва унинг тафаккур «маҳсулотлари»га тўхталиб ўтамиз. Маълумки, бу қобилиятли рассом, ҳайкалтарош, муҳандис ва архитектор ўзининг қўлёзма асарларида вертолёт, планёр (моторсиз учадиган аппарат), парашют, акваланг ва ҳаттоки, ўт ўчирувчилар фойдаланадиган сурилма нарвоннинг чизмаларини қолдирган. Айни пайтда Леонардо да Винчи сув оламини ҳам чуқур ўрганишга интилган. Уни бугунги кунда ҳам долзарб бўлган шаҳарларни сув тошқинларидан сақлаш масаласи қизиқтирган. Натижада мутафаккир ҳатто XX асрда энг самаралилардан бири, деб эътироф этилган лойиҳани ишлаб чиқди. Унинг амалий жиҳатдан фойдали эканлигига ёрқин битта мисол: Флоренцияда тошқин пайтидаги ҳимоя иншоотлари айнан шу лойиҳага мувофиқ қурилган.

Умумтаълим мактаби дастури доирасида физика фани дарсларида ўқувчилар Бойль-Мариотт қонунини ўрганиш орқали ушбу физик олим ишлари билан ҳам танишадилар. Лекин ҳамма ҳам бу олим оптика билан қизиқиб, турли хил линзалар ёрдамида қатор тажрибаларни ўтказгани ҳақида эшитмаган бўлса керак. Айнан шу изланишлар давомида унда инсон кўзининг оптик ускуна сифатидаги вазифасини ўрганиш фикри туғилади. Энди бир тасаввур қилиб кўринг: тиббиёт соҳасидан узоқ бўлган, бунинг устига офтальмология (кўз касалликлари ва уларни даволаш ҳақидаги фан) борасида фақат юзаки тушунчаларга эга одам соҳа мутахассисларидан олдин инсонда кўз (кўриш) доғи борлигини аниқлаган.

Баъзида дунё миқёсидаги аҳамиятга эга ва илм-фаннинг кўплаб йўналишлари, техника ва қурилиш соҳаларида чин маънода тўнтариш содир этган кашфиётларга асабийлашиш ҳолатлари ҳам сабаб бўлган экан. Масалан, франциялик боғбон ва ботаник олим Жозеф Монье экзотик турдаги ўсимликлар, хусусан, турли навдаги пальма дарахтларини ўстириш билан шуғулланган. Иш пайтида ёғочдан ясалган оддий гулдонлар доимо унинг асабийлашишига сабаб бўларди. Чунки пальмаларнинг бақувват томирлари босими натижасида улар бўлакларга ажралиб, ёрилиб кетарди. Шунда ўжар француз ёқтирган пальмалари учун жуда чидамли тувак ясашга қарор қилади. У бир қанча сим чивиқларни гулдон шаклида бирлаштириб, уни цемент қоришмаси билан тўлдиради. Натижада баланд биноларни барпо этишда асосий қурилиш материали ҳисобланадиган ва кенг фойдаланиладиган темирбетон ҳосил бўлади. Фикримизча, бу ерда ортиқча изоҳларга ўрин ҳам йўқ.

ЎРИНДИҚЛАР ТАРТИБИНИ КИМ ЖОРИЙ ЭТГАН?

Маълумотларга қараганда (science.com сайти), ҳаттоки машҳур Христофор Колумб ҳам ихтирочи бўлган экан. У илк маротаба Янги дунёга денгиз йўли орқали саёҳат уюштирганида, алоқа воситасисиз танг аҳволда қолади. Аввалига Америка материгини кашф этган ушбу инсон чиндан ҳам соҳил, яъни ерни кўриш энди ўзига насиб этмаса керак, деган фикрда бўлади. Кейин бироз фикр юритиб, экспедиция тақдири ва унинг бошчилигидаги каравелла-лар (кемалар) қаергача етиб боргани ҳақида Кўҳна қитъадагиларга қандай хабар бериш ҳақида бош қотира бошлайди.

Масалага ечим эса кутилмаганда топилди: саёҳатчи ўйланиб ўтирганида ёғоч сув идишга кўзи тушади. Шунда Колумб хат ёзиб, уни ўша идишга жойлайди ва қопқоғини маҳкам ёпиб, кема бортидан денгизга ташлаб юборади. У қачонлардир идиш соҳилга етиб боргач, одамлар денгиз сафарига чиққан кемалар ҳақида билиб олишига амин эди.

Ҳозирда биз ушбу саёҳат зафарли якунланганлигини биламиз, шу билан бирга экспедиция давомида шишада хабар жўнатиш усули кашф этилди.

Франциялик файласуф ва математик, моҳир қиличбоз Рене Декарт замонасининг ажойиб анъаналарига амал қилган ҳолда кунларнинг бирида театрга боради. У даврда чипталарнинг нархи ҳар хил бўлишига қарамай, томошабинлар залда исталганича ўрин эгаллардилар. Мисол учун, жуда арзон нархга чипта сотиб олган томошабин ҳам саҳнага яқин биринчи қаторлардан ёки аксинча қимматроққа театрга тушганлар эса юқоридан жой эгаллаши мумкин эди.

Табиийки, математик тартибга кўниккан Декартнинг кўнглига ушбу ҳолат хуш келмайди. У театр раҳбариятига ўша давр учун ғайриоддий ҳисобланган бир таклиф билан чиқди. Бошқача қилиб айтганда, олим театрдаги барча ўриндиқларни ёнма-ён жойлаштириб, ҳар бир қатор ва ўриндиқни рақамлаш фикрини илгари сурди. Шунда ҳар қандай томошабин ўз жойини ҳеч бир қийинчиликсиз топишига, саҳнадан қанчалик узоқликда жойлашганига қараб чипталар нархини турлича белгилашга имкон туғилди. Таклиф, гарчи тезда амалиётга татбиқ этилмаган бўлса ҳам, катта қизиқиш билан қабул қилинди. Биз бўлса ҳозирда бир замонлар ўриндиқлар бундан ўзгача тартибда жойлашганини ҳатто тасаввур ҳам қилолмаймиз.

НОМАЪЛУМ ИХТИРОЧИЛАР МУВАФФАҚИЯТИ

Баъзи бир кашфиётчилар оламшумул ихтиролар амалга оширса-да, тарих зарварақларидан ўрин эгаллаш бахтига мушарраф бўлишмаган. Бунинг сабаби, улар ўз номларини барчага танитиш ниятидан йироқда бўлганлигидадир. Мана масалан, бир банк ўмарувчиси Бузен газли қиздиргичини такомиллаштиришни мақсад қилиб, унинг ишлаш принципи асосида янгича аппаратни яратади. Мазкур ускуна ёрдамида ўғриликни амалга оширган шахс осонлик билан банкдаги сейфни очади ва пулларни ўмаради. Аммо воқеанинг эътиборли жиҳати ўғрилик содир этилганида эмас, балки шу тариқа ишлаб чиқариш, қурилиш ва бошқа соҳаларда кенг фойдаланиладиган автоген билан пайвандлаш усули яратилади. Айни пайтда ихтиронинг «муаллифи» кимлиги ҳалигача маълум бўлмади.

Гоҳида кашфиётлар яқин инсонига беғараз ёрдам кўрсатиш баҳонасида ҳам дунё юзини кўриши мумкин. Ўтмишда велосипедлар эндигина оммалашаётган пайтда уларда қуйма чарм чамбар (шина)лар бўлган ва бу ҳолат баъзи ноқулайликларни вужудга келтирарди. XIX асрда Англияда истиқомат қиладиган ветеринар (байтар) жаноб Жон Бойд Данлопнинг ўғли ҳам велосипедчи эди. Оғир қуйма чамбар туфайли қийналиб велосипед миниб юрган ўғлини кўрган ота узоқ вақтгача уни назорат қилди. Кейин Данлоп боғни суғоришда ишлатиладиган қалин шланг бўлагини олиб, унинг икки четини бирлаштирган ҳолда ғилдиракка моҳирлик билан кийдириб қўяди. Бундан сўнгги даврларда янги ихтиро патентланди, дамлама шиналар яратилди ва бутун дунёга машҳур «Данлоп» фирмаси ташкил этилди. Энг ажабланарлиси, мазкур ишлар замирида оддий ветеринарнинг хизмати ётади!

Пьер Огюстен Бомарше ёзган «Фигаронинг уйланиши» комедияси инсоният тарихида абадий қоладиган асарлардан бири сифатида жаҳонда тан олинган. Асар муаллифи ноёб фазилатлар эгаси бўлганлиги ҳам бор гап. Лекин кўпчилик негадир жаноб Бомарше турли механизмларнинг ички тузилишига қизиққани, бунинг устига соатдаги анкерли тузилмани яратганини эсламайди. У бадиий ижод билан шуғулланишдан ташқари арфа (чертиб чалинадиган катта мусиқа асбоби)нинг тепкилари механизмини мукаммал даражада ўрганишнинг уддасидан чиққан.

«ҲАВАСКОР» ДАҲО ЯРАТГАН ТРАНСПОРТ

Мураккаб, ҳаттоки фожеавий тақдир эгаси, таниқли математик олим Блез Паскаль ҳисоблаш машинаси яратгани билан инсоният оламида ном қозонган. Бир қарашда, бунинг ҳеч қандай ғайриоддий томони йўқ, чунки у ҳисоб-китоб илмининг мутахассиси бўлган-ку!

Бир куни Паскаль қурилиш майдончасида қўлларига замбил билан шошиб югураётган ишчиларни узоқ кузатди. Қурувчилар шу тарзда тупроқ, тош ва бошқа қурилиш материалларини машаққат билан ташимоқда эди. Бу ишларни бажариш қанчалик ноқулайлигини тезда англаган математик майдончанинг ўзидаёқ юк аравачасининг чизмасини қумда кўрсатиб берди. Кундалик ҳаётимиздаги ишларни анча енгиллаштирадиган ушбу буюмнинг яратилиши учун мана, кимдан миннатдор бўлмоғимиз зарур!

Шунингдек, Паскаль ўзининг ўткир зеҳни билан яна бир муҳим — шаҳар транспорти масаласига энг мақбул ечимни топиб берган. Чунки дастлабки жамоат транспорт воситаси ҳисобланган омнибусни яратиш ғояси айнан шу шахсга тегишли. Шундай кейин ким ҳам уни «ҳаваскор» деб аташга журъат қилади?

Биз нима билан ёзамиз? Албатта, дунёнинг барча мамлакатларида бирдек фойдаланишда бўлган шарикли ручкада. Хўш, унинг яратувчиси ким эканлигини биласизми? Бу венгриялик рассом ва ҳайкалтарош Биро, кейинчалик унинг ватандоши Рубик ўйинчоқ бошқотирмани ихтиро қилган. Болаликда қай бир бола конструктор (машина, иншоот ва шу каби ўзига хос буюмларни ясаш мумкин бўлган айрим қисмлардан иборат ўйинчоқ)ни ўйнамаган, дейсиз? Қисмларни йиғиб, улардан ўйлаган нарсасини ясашга ҳаракат қилганларнинг аксарияти бу қизиқарли ўйинчоқни ўзининг фарзандлари учун гўшт дўконида сотувчи бўлиб ишлаган англиялик Томас Хорнби ўйлаб топганини билмаса керак.

Жаҳон миқёсида салмоқли маъно касб этадиган ихтиролардан бири Александр Белл номи билан боғлиқ. Телефонни кашф этган бу даҳо аслида имконияти чекланган, аниқроғи кар ва соқов болалар мактабининг ўқитувчиси бўлган экан!

БАҲО БЕРИШГА ШОШИЛМАНГ...

Юқоридагиларни ўқиб, ихтиролар олами кутилмаган ҳолатларга бой экан, деган тўхтамга келиш мумкин. Шу сабаб, одамларга баҳо беришда уларни бир қарашда шунчаки ишқибоз дейиш унчалик ҳам тўғри эмасдир балки? Эҳтимол, биз оддий ҳаваскор деб қарайдиган инсон келгусида Паскаль ёки микроскопни кашф этган голландиялик савдогар Левенгук даражасидаги инсон бўлиб етишар?! Кун келиб у биринчи маротаба буғ насоси чизмасини ишлаб чиққан франциялик шифокор Дени Панен каби илм-фанда янгилик яратишга қодир шахс бўлса-чи? Яна ким билсин. Ахир, тажрибали мутахассисларнинг кўзи илғамай қолган жиҳатларга айнан шу «юзаки ишқибозлар» эътибори тушганлигини улар эришган ютуқлар яққол кўрсатиб турибди. Эртага улар вақт машинасини ёки телепортация (бир ҳудуддан иккинчисига ҳеч қандай воситасиз осонликча кўчиб юриш) усулини жорий этишга эришолмайди, деб ҳеч ким қатъий таъкидлай олмайди. Негаки, кутилмаган ихтиролар ва оламшумул кашфиётлар даври ҳали поёнига етганича йўқ.

Наргиза ИБРОҲИМОВА,
«Ma'rifat» мухбири

ТАРИХГА ОИД ВА ТАРИХИЙ ЯНГИЛИКЛАР

Юртимиз мактабларида январь ойида тарих ва ҳуқуқ фанлари ойлиги ўтказилишидан хабарингиз бор. Айни пайтда ўқувчилар таътил пайтида бўш вақтларини мазмунли ўтказишмоқда. Бу имкониятдан фойдаланиб тарихий иншоотлар, музейлар ва бошқа диққатга сазовор жойлар бўйлаб саёҳатларга ҳам боришади.

Биз эса бугунги кунда жаҳон тарихи, шу жумладан, воқеалар, шахслар ва жойлар билан боғлиқ сўнгги янгиликларнинг бир нечтасини эътиборингизга ҳавола этяпмиз. Уларнинг орасида сиёсат, илм-фан, маданият ва адабиёт билан боғлиқ хабарлар ҳамда яқинда ўз ниҳоясига етган меъморчилик иншооти ҳақидаги, тарих зарварақларидан муқаррар жой оладиган воқелик ўрин олган. Педагоглар ушбу хабарлардан мос равишда нафақат жаҳон тарихи, балки география, адабиёт, тасвирий санъат, мусиқа ва ҳаттоки аниқ фанлардан қизиқарли маълумотлар сифатида фойдаланишлари мумкин. Демак, танишинг.

101 ЁШЛИ САМОЛЁТ

Австралиялик қутбшунослар Буюк Британиянинг "Викерз" компаниясига тегишли бўлган ва 1914 йилдан бери музликларда ётган самолёт қолдиқларини топдилар, деб ёзди "Таймс" газетаси.

Моноплан 1911 йилда ишлаб чиқарилганди. Яшил қитъалик мутахассислардан бири Дуглас Моусон уни биринчи бўлиб синовдан ўтказган, аммо ҳалокатга учраган эди. Ушбу ҳодисадан омон қолган Моусон Антарктидага уюштирган экспедициясида қайта таъмирланган ва жиҳозланган кўҳна самолётни (қуруқликда) ўзи билан бирга олиб кетган эди.



Бунинг учун унга махсус чанғилар ўрнатди, лекин музликлар ўлкасида кучли совуқ туфайли унинг двигатели ишдан чиқди. Шунинг учун ҳам у Антарктидага ташлаб кетилган, деб ёзди "Индепендент".

Ҳозирча топилма Австралияга жўнатиладими ёки Антарктидада эсдалик учун қолдириладими, бу аниқ эмас. Тадқиқотчилар ҳозирча бу борада бир тўхтамга келганлари йўқ.

ЖАВОБИ ҲАЛИ МАЪЛУМ ЭМАС

Жанубий Корея президенти Ли Мён Бак Корея Халқ Демократик Республикаси раҳбариятига 1950—53 йиллардаги уруш даврида шимолликлар ҳудудида ҳалок бўлган жанублик аскарлар жасадлари қолдиқларини қидириш ва қайтариш таклифи билан чиқди. Бу ҳақида "Рейтерс" хабар берди.

Жанубий Корея Мудофаа вазирлигининг маълумотларига кўра, КХДР ҳудудида тахминан 39 минг нафар жанублик ҳарбийнинг ҳоки ётибди. Агар икки давлат келиша олса, ушбу ҳол Корея ярим оролида бу борадаги биринчи лойиҳага айланади.

Илгари бундай қидирув ишлари билан америкалик аскарлар шуғулланишарди, аммо 2005 йилга келиб, Вашингтон ва Пхеньян ўртасидаги муносабатларнинг ёмонлашуви юқоридаги жараённинг тўхтатилишига ҳам сабаб бўлганди.

Ли Мён Бак ўзининг янги йил байрами мурожаатида Жанубий Корея билан КХДР ўртасидаги келишмовчиликларни бартараф этишга хизмат қилувчи музокараларни янада фаоллаштирувчи ҳамкорлик ташкилотини тузишга чақирди. Мақсадга кўра, унинг ваколатхоналари Сеул ва Пхеньянда жойлашади.

ГИТАРА ТОПИЛДИ

Италияда испаниялик машҳур рассом Пабло Пикассо (1881—1973 йй.) тасвирлаган митти гитара расми топилди, деб хабар берди АФП.



Санъат асари римлик тадбиркорнинг уйидан топилган. Қидирув ишлари ижодкор дўстларидан бирининг турмуш ўртоғи ҳаракатлари билан бошланганди. Унинг топилишида юқорида тилга олинган шахсга, Пикассонинг яқин таниши, шу йил вафот этган Жузеппе Витторио Паризининг маълумотлари катта ёрдам берди.

Унда айтилишича, рассом қизи Паломага атаб чизиб берган мусиқа асбоби картинасини Паризига тақдим этган. Жузеппе Витторио эса италиялик тадбиркордан санъат асарини оммага намойиш этишда ёрдам беришини сўраган. Бу борада кўмаклашишни ваъда қилган римлик шоввоз гитарани олиши билан йўқолиб қолган.

Топилма Макканьо шаҳридаги замонавий санъат музейи экспонатлари қаторидан жой олиши режалаштирилмоқда.

НОБЕЛЧИ ҲАҚИДА

Германияда таниқли ёзувчи, Нобель мукофоти лауреатига бағишланган "Гюнтер Грасс нишони остида — "Штази" ҳужжатлари" номли китоб чоп этилиш арафасида, деб хабар берди "Локал" нашри.

Унда Шарқий Германия хавфсизлик хизмати ходимлари урушдан кейинги даврдаги машҳур ёзувчини қандай қилиб кузатишгани ҳақида ҳикоя қилинади.

Асарда Германия бирлашгандан кейин ошкор этилган "Штази" архивидан фойдаланилган. Муаллиф Каи Шлютер бунинг учун "Грасс иши" билан боғлиқ 2000дан ортиқ ҳужжатни кўриб чиққан.

Ёзувчи 1961 йилда Берлин деворининг қурилишига қарши чиққан даврдаёқ кузатувга олинганди.

200 ЁШЛИК БАСТАКОР

Шу йил 1 март куни дунёнинг бир қатор давлатларида польшалик таниқли бастакор Фредерик Шопен (1810—1849 йй.)нинг 200 йиллик юбилейи нишонланади.

"Индепендент" нашри мухбири Жессика Дюшеннинг баҳосига кўра, Шопен совуққон, мағрур бўлган. Катта истеъдод соҳиби 39 ёшида силдан вафот этганди. «Унинг асарлари қиёмига етказилганди. Келинг, юбилей арафасида унинг мусиқаларидан баҳра оламиз», — деб ёзди Дюшен.

ЭНГ КАТТАЛАРИДАН БИРИ ТОПИЛДИ

Қадимги Шоҳлик даврида Миср пойтахти бўлган Мемфисдан унчалик узоқ бўлмаган Саккара ҳудудида энг катта кўҳна қабристонлардан бири топилди, деб ёзди "Франс-Пресс" манбаси.

У ердан сопол идиш қолдиқлари ва лочин мўмиёлари ҳам қазиб олинган. У ерни тўлиқ айланиб чиқиш учун археологлар икки соат вақт сарфлашди. Ҳозирча қадимий сўнгги манзил ҳудуди катталиги ҳақида маълумотлар йўқ.

Саккарага фиръавнлардан бири Пепи II дафн этилган. Ушбу кўҳна ҳудуд ЮНЕСКО муҳофазасига олинган.

"БУРЖ ДУБАЙ" ОЧИЛДИ

Бирлашган Араб Амирликларида дунёдаги энг баланд осмонўпар бино "Бурж Дубай"нинг очилиш маросими бўлиб ўтди. Бу ҳақида "Рейтерс" маълумот тарқатди.

Ҳозирча маҳаллий ҳокимият вакиллари унинг аниқ баландлигини ошкор этишмаяпти, аммо иншоот веб-сайтида бу кўрсаткич 822 метру 55 сантиметрга тенг экани қайд этилган.

2004 йилда бошланган қурилиш ишларини якунлаш учун тахминан 20 млрд. доллар сарфланди. Ушбу бино БАА ва Дубай шаҳрининг тинчлик тимсолига айланади. Уни барпо этишдаги энг тиғиз пайтда 12 минг нафаргача киши иш олиб борди.

"Бурж Дубай" таркибидан офислар, меҳмонхона, ресторанлар, томоша қилиш майдонлари, сув ҳавзалари ва бошқалар жой олган.

У нафақат баландлик, балки кўпқаватлилик ва кўплифтлилик бўйича ҳам етакчига айланди. 49та тезюрар лифт ва 8та эскалатор фикримиз далилидир. Марказий қисмлардаги лифтлар мос равишда 9 метр/сония тезликда 504 — 637 метр баландликка кўтарила олади. Бино пойдеворидаги қалинлиги 50 метр, оғирлиги 110 минг тоннага тенг 192та қозиқоёқ иншоотнинг мустаҳкамлигини таъминлайди.

Улкан устунни такомилига етказиш учун 230 минг метр куб бетон, 39 минг тонна пўлат, 142 минг метр квадрат ойна ва 22 млн. ишчи соати сарфланди. Унинг ташқи томони умумий катталиги 17та футбол майдонига тенг бўлиб, 22 мингта ойна кўзлари билан қопланган. Ушбу комплексдаги 24 гектарлик сунъий кўл ва фавворалар ҳам диққатга сазовор. Аммо бир қатор мутахассисларнинг фикрича, ушбу мамлакатда бу каби иншоотларнинг бунёд этилиши давлат қарзларини кўпайтириб юборяпти. Уларнинг айтишига кўра, амирлик айни пайтда хорижлик сармоядорларга қарийб юз млрд. доллар бериши лозим.

ҚУЛУПНАЙ-ҚИСҚИЧБАҚА

Bilasizmi?



Тайвань океанология миллий университети профессори Хо Пинг-хо янги турдаги, пишган қулупнай рангидаги денгиз қисқичбақаси топилганини маълум қилди. Бу ҳақида АП хабар тарқатди.

"Чайна Пост" газетаси 1834 йилда аниқланган Neoliomera Pubescens туридаги денгиз жониворига ўхшаб кетади. Тадқиқотчининг фикрича, бундай тур илгари фанга маълум бўлмаган.

Хо Пинг-хо июнь ойида Кэньдин миллий паркидаги қирғоқ сувларига нефтнинг қўшилиб кетиши асоратларини ўрганаётганда ана шу турдаги қисқичбақага дуч келганини айтиб ўтди. Тахминан 2,5 см. катталикдаги сув жонзоти ўзининг камёб туси билан ажралиб туради.

Эслатиб ўтамиз, бугунги кунгача фанга тахминан 50 минг турдаги қисқичбақасимонлар тури киритилган.

Интернет манбалари асосида Ғайрат ХОЛИҚОВ тайёрлади.

Халқ таълими вазирлиги Ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш ва психологик-педагогик республика Ташхис маркази жамоаси Миробод тумани ташхис маркази раҳбари Нигора Алимовага падари бузруквори

ИСРОИЛ ОТАнинг

вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади.

Республика Таълим маркази жамоаси Филология фанлари бўлимининг бош методисти Ширинжон Абдуллаевага онаси

ПОШША АЯнинг

вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

Ishonish qiyin, ammo fakt: butun umrini talabalarga, ustozlikka bag'ishlagan Qo'chqorali Tursunov biror marta ham kasallik ta'tiliga chiqmagan!

Ma'rifat
2010-yil 9-yanvar

Oramizdagi odamlar

МУДОМ ТАЪЗИМДАМАН, ЯХШИЛИК!

Биз гоҳида сезмаймиз ёнимизда биз билан бир ҳаводан нафас олаётган инсоннинг кимлигини. Эҳтимол, у тирик энциклопедиядир.

Қалб кўзи билан кўрадиган одамлар... Булар тирик тарих, ёруғ юз билан яшаб ўтишнинг беқиёс тимсоли, десам адашмаган бўламан. Шундай инсонлардан бири профессор Қўчқор Турсуновдир.

Бугун 80 ёшни қаршилаётган устоз Қўқон давлат педагогика институтининг фалсафа кафедраси профессори, қарийб 50 йилдан буён талабалар даврасида.

У киши 1928 йил 1 январда туғилди. Тўрт ёшида отадан айрилди. Очарчилик онаболани нон излаб, сарсон-саргардонликка мажбур этди. Қўчқорали онаси билан бирга Тошкент вилоятининг Ўнқўрғон қишлоғига келиб қолди. Онаизори ҳам бироз вақт ўтиб оламдан ўтди.

Энди Қўчқоралининг пешонасини силайдиган, оғзидагини емай унга тутадиган инсон йўқ эди. Бу эса, ўзи шундоқ ҳам эрта тонгни тунга улайдиган болакай учун икки ҳисса ишлашни, ризқ топиб, кун ўтказишни англатарди. Ҳаётнинг бу синовини ўз гарданига олган Қўчқорали шу тариқа 5 ёшидаёқ меҳнат фаолиятини бошлашга мажбур бўлди.

Ҳали жисмонан ҳам, ақлан ҳам камолга етмаган Қўчқорали қишлоқ аҳлининг қўй, эчки, молларини боқиб, тирикчилик қила бошлайди. Бунинг эвазига кимдир зоғора нон, кимдир ярим коса ёвғон ош, яна кимдир эски-туски бўлса-да (нон қаҳат даврда янги кийим қаердан бўлсин), нимадир кийимлик берар эди. Ўша даврларда қорни бир марта тўйган одам энг бой, энг бахтли ҳисобланарди. Шунга қарамай, ўнқўрғонликлар меҳнатдан қочмайдиган, ҳали кўзи очилмай етим қолган боладан бехабар қолмадилар — бутун қишлоқ уни ўз паноҳига олди.

— Ўнқўрғон аҳолисидан ҳали-ҳали миннатдорман. Кимнинг хонадонига бормайин, ўзлари оч, ярим-яланғоч бўлсалар-да, мендан бир бурда нонини ёки ярим коса овқатини аямасди. Айниқса, ўта содда ва инсонпарвар, ростгўй кишилар раҳматли Абдулла ака, марҳум Ҳайдар ака (у кишини Ҳайдар раис дейишарди) менга меҳрибон эди, ўзларининг фарзандидек кўришарди. Ҳайдар ака ҳақида ўйлар эканман, дунёда шундай инсонлар борлигига, улар туфайли жамиятимиз ҳалолу пок инсонлар билан зийнатли эканига шукроналар қиласан, киши. Ҳайдар раиснинг уйи кичкина, тор бўлса-да, аммо юраги кенг, ҳаммани ўқиб, ҳунар ўрганишга чорловчи, доимо ёрдам қўлини чўзишни ўзининг бурчи деб ҳисоблагувчи инсон эди...

Бир куни Ҳайдар раис Қўчқорбойни ёнига чақиради. Боланинг пешонасини силаб:

— Сен катта бўлсанг, албатта, ўқигин, чунки жуда ақллисан, сендан жуда яхши одам чиқади. Шу қишлоқнинг катталари сенга ҳам ота, ҳам она, ака ва опадир. Кичиклари эса ука, сингил бўлади. Яхши кунларинг ҳали олдинда. Ўқиб, олим бўлгин. Ҳаммага ёрдам бер. Сендан умидим катта, — дея узундан-узун дуо қилади.

Оталарча қилинган бу дуо кейинчалик унинг ҳаёт йўлини белгилайди.

Ҳаёт гўзал бўлиши билан бирга ғоятда бешафқат эканлигини Қўчқорали 7 ёшида оғир оқибатга — кўз ожизлигига олиб келувчи трахома касаллигига чалинганида англади. Бу ҳам етмагандек, бошига яра тошиб, сочларининг тўкилиб кетишига сабаб бўлувчи лейшманиоза касаллиги билан оғрийди. Шундан сўнг Ҳайдар ака ва Абдулла ака болани Тошкентдаги шу тоифадаги касалликка чалинган болалар уйига топширишади. Қўчқорали хасталиқдан фориғ бўлса-да, кўзларининг нури кетган, ҳаётнинг рангларини йўқотиб қўйган эди. Шу сабабли уни Охунбобоев номидаги кўзи ожиз болалар уйига ўтказишади. Ёруғ жаҳонни кўриш бахти бу вужудни тарк этар экан, шу тариқа Қўчқоралининг ҳаёти остин-устун бўлиб кетади.

Бироқ, шунга ҳам қарамай унга кўп яхшиликлар қилган, ўз отасидай бошини силаган Абдулла ака ва Ҳайдар раисларнинг ишончини оқлаш ниятида эди. Ана шу истак ўтида Қўчқорали 141-сонли соғлом болалар мактабига қатнаб, 8-синфни битиради. Сўнг Тошкент вилояти педагогика билим юртига ўқишга киради ва бу даргоҳни аъло баҳоларга битиради.

Уруш йилларида яхши ўқиган ҳамда ёши каттароқ болалар кўзи ожиз болаларга «Брайл» системасини ўргатиш учун госпиталга юборилади. У 1949 йили Ўрта Осиё давлат университетининг тарих факультетига ўқишга кириб, имтиёзли диплом билан тугатади. Зукколиги, билими юқори эканлиги сабабли ўқиш давомида ўзи ўқиган мактабда тарбиячи бўлиб ишлайди.

1954-55 йилларда кўзи ожизлар орасида саводсизликни тугатиш мактабида дарс беради. Аммо бундай фаолият домлани қониқтирмас, яна ўқиб-ўрганиш, илмга чанқоқ ёшларга дарс бериш, илмий изланишлар олиб бориб, янгиликлар яратмоқчи эди. Шу боис ўз касби бўйича ишлаш учун ҳаракат қилади. Изланишлари эътиборга олиниб, Қўқон давлат педагогика институтига ишлаш учун йўлланма берилади.

Устоз 1955-56 йилларда оддий ассистент, 1960-61 йилларда катта ўқитувчи, 1970-71 йилларда доцент вазифасида фаолият юритди. 1991 йилдан буён эса, фалсафа кафедрасининг профессори лавозимида ишлаб келмоқда.

Устоз ишдан ажралмаган ҳолда 1967 йилда номзодлик, 1988 йилда эса докторлик диссертациясини муваффақиятли ёқлади.

Домланинг кўплаб монографиялари, 3та дарслик қўлланмалари, бир неча рисола ва оммабоп мақолалари чоп этилди. Устознинг меҳнатлари юксак қадрланиб, «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган халқ таълими ходими» фахрий унвони билан мукофотланди.

Ишониш қийин, аммо факт: бутун умрини талабаларга, устозликка бағишлаган Қўчқорали Турсунов бирор марта ҳам касаллик таътилига чиқмаган!

Устознинг кўзи ожиз бўлсада, аммо бутун умри Қўқон давлат педагогика институтида талабаларга билим бериб келганлигидан воқиф бўлган Кўзи ожизлар жамияти у киши билан алоқа ўрнатди: домланинг озгина бўлса ҳам бўш вақтлари айнан шу жамиятда ўтди — қўлидан келганча жамиятга ва жамият аъзоларига ёрдам бериб келди.

Устоз нафақат жамиятда, балки оилада ҳам ўз ўрнига эга. Икки фарзанд ва бир неча ўнлаб невара, эваралар ёнида доимо парвона. У кишининг ҳаёт йўлига ўз умрини тиккан Муҳаррамхон опанинг ҳам касби ўқитувчи. Умри ёшлар тарбиясига бахшида бўлган бу икки инсоннинг фарзандлари ҳам халқ хизматига камарбаста бўлмоқда.

Қизлари Кимёхон Қўқон давлат педагогика институтида ўқитувчи, Илмияхон эса болалар асаб касалликлари бўйича шифокор.

Тиниб-тинчимас устоз бугунги кунда ёш педагогларнинг илмий ишлари ва номзодлик диссертацияларига раҳбарлик қилиб келмоқда.

Домла фақат илмий иш, ёшлар таълим-тарбияси билан шуғулланибгина қолмай, маҳалла ободончилиги учун ҳам бир қатор ишларни амалга оширди. Чунончи, маҳаллага тоза ичимлик суви чиқарилишида бош-қош бўлди, телефон тармоғи уланишига эришди.

... Нури йўқ кўзлар билан минглаб ёшларнинг қалб кўзини очган, таълим-тарбия берган Қ.Турсунов талабаёшлар етовида ўз хонаси томон зинапоя бўйлаб кўтарилиб бораяпти. Домланинг қалби келажакни ёритиш учун, ёшларимиз учун чексиз зиё манбаи бўлиб хизмат қилмоқда.

...Бугун ҳам чароғон тонг отди ва домла дарсга кетаяпти, талабалар унинг сабоқларини муштоқлик билан кутаётир.

Дилфуза ҚОСИМОВА,
ҚДПИ талабаси

ИБРАТЛИ УМР

Ta'lim fidoyilari

Инсон кўнглидаги эзгу ниятларни амалга оширмоғи учун аввало, саломат бўлмоғи лозим. Жисмоний жиҳатдан бақувват, руҳан тетик, ақлий салоҳияти етук бўлган шахснинггина кўпчиликка нафи тегмоғи, ўзи ҳам кўнглидагидек турмуш кечириб, жамият тараққиётига ҳисса қўша олмоғи мумкин. Мактаб таълим-тарбияси таркибига «Жисмоний тарбия» сабоқларининг киритилиши, ёшларимиз онгу шуурига «жисмоний маданият» тушунчасини сингдиришга ҳаракат қилинаётгани замирида ҳам ана шу мазмун-муддао жам. Демак, баркамол шахс камолотида жисмоний тарбия фани ўқитувчиларининг ҳам хизматлари салмоқли.

Қадим Карманинг Туркистон қишлоғида туғилиб, вояга етган Тўймурод Шарипов мактабда ўқиб юрган кезларидаёқ жисмоний тарбия фанини жуда севар, қишлоқ, туман, вилоят миқёсида ўтказиладиган ҳеч бир спорт мусобақаси унинг иштирокисиз ўтмас эди. У гоҳи муваффақиятлар завқи билан уйига шодон кириб келар, баъзида мағлубият рўбару келганида тунлари уйқуси қочиб йўл қўйган хатоларини ўзича таҳлил этиб тонг оттирарди. Шунда у мактаблардаги жисмоний тарбия фани дарсларини мазмунан бойитиш, ёшларнинг қизиққан спорт тури билан мунтазам шуғулланишларига имконият яратиш хусусида ўзича режа тузар, негадир бу орзуси кун келиб ушалишига қаттиқ ишонарди. У ана шу умид билан Бухоро давлат педагогика институтининг жисмоний тарбия факультетига ўқишга кирди. Мутахассислик дипломига эга бўлиши билан эса ўша кўнглидаги ниятини амалга ошириш мақсадида ўқувчилик йиллари ўтган Карманадаги 10-мактабга ишга келди.

Ёш, изланувчан мураббийнинг меҳнати аста-секин ўз самарасини кўрсата бошлади. Таълим маскани ўқувчилари турли мусобақаларда фаол иштирок этиб, улар орасидан футбол, баскетбол, волейбол, енгил атлетика каби спорт тури бўйича истеъдодли ёшлар етишиб чиқиб, кези келганда туман, вилоят, республика шарафини муносиб ҳимоя қила бошлашди. Устозни эса туман жисмоний тарбия ва спорт қўмитасига, кейинчалик вилоят спорт жамиятига раислик вазифасига таклиф этишди. Ташкилотчи мураббий бу лавозимларда ишлаган кезлари айниқса, оммавий спорт турларини ривожлантириш масаласига алоҳида эътибор қаратди. Бу эса бир гуруҳ спорт усталарининг етишиб чиқишига замин яратди.

Домланинг кейинги ўн икки йиллик меҳнат фаолияти вилоят педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти билан боғланди. Негаки Тўймурод Шарипов умри давомида тўплаган тажрибасини энди ҳамкасблари билан ўртоқлашиш, ҳудуднинг узоқ-яқин мактабларида ҳам жисмоний тарбия дарслари самарадорлигини оширишга ҳисса қўшишни ният қилганди. Шу мақсадда Давлат таълим стандартлари талаблари асосида дарс ишланмасини тайёрлади, 1-4-синф ўқувчилари, 1-2-синф ўқувчилари учун ҳаракатли ўйинлар бўйича тавсиялар яратди. Шунингдек, у мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчилари учун икки юздан ортиқ ҳаракатли ўйинлар қўлланмасининг муаллифидир. Устознинг «Жисмоний тарбияда табақалаштирилган таълим — давр талаби», «Жисмоний тарбия дарсларини ривожлантиришга доир масалалар», «Жисмоний тарбия дарсларида миллий ғояни ўқувчилар онгига сингдиришда халқ ўйинларининг роли», «Жисмоний тарбия дарсларида илғор педагогик ва ахборот технологияларининг ўрни», «Жисмоний тарбия дарслари самарадорлигини оширишда А.Авлоний меросининг ўрни» сингари йигирмадан ортиқ илмий-методик мақолалари, ўттиздан ортиқ услубий қўлланма ва тавсиялари вилоят мактаблари ўқитувчилари учун қўшимча адабиёт, йўлланма вазифасини ўтаб келмоқда.

Шогирдлари ибрат олса арзигулик ҳаёт йўлини босиб ўтаётган Тўймурод Шарипов Халқ таълими аълочиси, фидойи мураббий сифатида янги йилимизнинг «Баркамол авлод йили» дея аталишини масъуллик туйғуси билан қарши олди. Негаки, комил авлод тарбиясида жисмоний тарбия ва спортнинг ўрни каттадир.

О.МУРОДУЛЛАЕВА

МЕҲРИБОН ТАРБИЯЧИ

Халқимизда меҳр кўрсатсанг меҳр топасан, деган пурмаъно нақл бор. Фарзанд тарбиясига нисбатан айтилган бу ҳикматли фикрни ҳаётининг шиорига айлантириб олган ва шу шиорга қитъий амал қилиб келаётган меҳрибон тарбиячи-устоз Муҳтарам Мусаева иш фаолиятининг асосий қисмини меҳрга муҳтож болаларга сабоқ бериш билан ўтказмоқда.

1960 йил 11 январда Тошкент шаҳрида таваллуд топган М.Мусаева илк мактаб сабоғини пойтахтимиздаги 119-мактабда олади. Мактабни тамомлаб Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институти(ҳозирги университет)нинг Дефектология факультетида таҳсилни давом эттиради. Талабалик давридан бошлаб Муҳтарам Мусаева билимини мустаҳкамлаш билан биргаликда меҳрга муҳтож, заиф эшитувчи, нутқида нуқсони бор болалар билан ишлаш бўйича тажриба орттириб борди. Шу боис, у 1982 йилда олий ўқув юртини битириб, тўғри пойтахтдаги 102-сонли заиф эшитувчи болалар махсус мактаб-интернатига ишга боради. У ерда Муҳтарам опа салкам ўн йилга яқин вақт давомида ўз тажрибаларини орттириб болажонларнинг севимли тарбиячисига айланди.

1990 йилдан буён Тошкент шаҳридаги 36-махсус мактаб-интернатда тарбиячи, ўқитувчи ва айни пайтда директорнинг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари бўлиб ишлаб келаётган Муҳтарам опа эллик йиллик умрининг салкам ўттиз йилини қалби ўксик, меҳрга муҳтож болалар даврасида ўтказди.

— Ўтган умримдан ҳеч қачон нолимайман, — дейди Муҳтарам Мусаева. — Она сифатида беш фарзандни тарбиялаб вояга етказдим. Бор меҳримни ана шу фарзандларим билан бирга мактаб-интернатда тарбияланаётган, таълим олаётган болаларимга бағишладим.

М.КАМОЛОВА

Respublikamiz yoshlarini bosqichma-bosqich sinovdan o'tkazuvchi musobaqalar tizimida "Umid nihollari"ning o'ziga yarasha o'rni bor.

ИФТИХОР ЖЎШ УРГАН ЛАҲЗА

Мамлакатимизда иқтидорли ва истеъдодли спортчи ёшлар кўплаб топилади. Улар ҳар байрамда ўз ғалабалари билан совға тайёрлаб халқимизни хушнуд этишга одатланган. Ҳа, уларнинг турли халқаро мусобақа ва турнирларда муносиб иштирок этиб, олий ўринлардан бирига эга бўлиб қайтишларини юртдошларимиз ҳам катта қувонч билан кутиб оладилар. Ана шундай иқтидорли спортчи ёшларимиздан бири Шерзод Абдуллаев яқинда кикбоксинг бўйича Хабаровск вилоятида ўтказилган минтақаларо турнирда олтин медаль соҳиби бўлиб қайтди.

Дўстона алоқаларни янада мустаҳкамлашда спортнинг ролини ошириш, кикбоксинг спорт турини ёшлар ўртасида кенг тарғиб этиш ва уни ривожлантириш мақсадида ўтказилган ушбу нуфузли мусобақада 19-21 ёшли спортчилар иштирок этди.

— Кубок баҳсларида Ўзбекистон шарафини ҳимоя қилиб, ватанимизга ёруғ юз билан қайтганимиздан бениҳоя бахтиёрмиз. Шогирдим Шерзод Абдуллаев билан ушбу мусобақага жиддий тайёргарлик кўргандик. Мана, меҳнатимиз самарасиз кетмади. Олтин медаль эгасига айландик, — дейди биз билан суҳбатда Шерзоднинг устози Олим Остонақулов.

— Ғолиблик шоҳсупасидан жой олганимда дилимда ғурур ва ифтихор туйғуси жўш урди. Байрам олдидан юртдошларимга арзигулик совға билан қайтганимдан мамнунман, — дейди Шерзод Абдуллаев.

Ҳақиқатдан ҳам, инсон бирор бир ғалабага ёки муваффақиятга эришаркан, унинг қалбида ғурурланиш ва ўзига бўлган ишонч ҳисси барқ ура бошлайди. Ниятимиз, юртимизда Шерзодбек сингари ёшлар кўпайсин. Ҳар бир спортчи ҳамюртларимизга муваффақиятлар ҳамиша йўлдош бўлсин.

Шаҳина ЖЎРАЕВА,
«Ma'rifat» мухбири

В.ПОРТНОВ олган сурат.

МУСОБАҚАЛАР ҚИЗҒИН КЕЧМОҚДА

Республикамиз ёшларини босқичма-босқич синовдан ўтказувчи мусобақалар тизимида "Умид ниҳоллари"нинг ўзига яраша ўрни бор.

Қатор кўриклардан ўтиб, энг саралари аниқланганигина республика босқичига йўлланма берилувчи ўта масъулиятли тадбир чинакам кашфиётлар, Ватанимизнинг шон-шуҳратини оламга ёя оладиган ёш спорт усталарининг етишиб чиқишига, соғлом турмуш тарзининг яратилишига ҳисса қўшади.

"Умид ниҳоллари" спорт мусобақаларига кўнгилдагидек тайёргарлик кўриш ва Қорақалпоғистон Республикаси, туман ҳамда вилоят босқичларини кўтаринки кайфиятда ўтказишни асосий вазифаларидан бири сифатида билган масъул ташкилотлар, жумладан, туман халқ таълими бўлимлари, БСРЖ туман бўлимлари ва туман ҳокимияти ташаббускорлигида мактаб ўқувчиларининг қишки таътил кунларидан унумли фойдаланилиб, 2-туман босқичи мусобақалари ўтказилди.

Эслатиб ўтамиз, мазкур саралашнинг дастлабки босқичида республикамиздан жами 2888417 нафар ўқувчи қатнашганди. Шулардан 1165447 нафарини қизлар ташкил этганди. Иккинчи босқичда эса уларнинг сони табиий равишда қисқарди, боиси бу жараёнда ўз номи билан кучлилар орасидан яна ҳам кучлилари аниқланяпти-да.

Юртимизнинг вилоят ва шаҳарлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси мактаб ўқувчилари қишки таътилни юқори кайфиятда, байрамона руҳда ўтказиш учун дўстона беллашувларда фаол иштирок этишяпти. Хусусан, куни кеча пойтахтимиздаги "Чилонзор" спорт мажмуасида баскетбол бўйича ўсмирлар ўртасида ажойиб матчлар бўлиб ўтди. Унда барча рақибларини енгган Юнусобод тумани жамоаси биринчи ўринга сазовор бўлди. Мезбон туман вакилларига эса иккинчи ўрин насиб этди. Собир Раҳимов тумани ўсмирлари эса бу борада учинчи ўринга лойиқ деб топилди. Қизлар ўртасидаги баскетбол матчлари Чилонзор туманидаги 168-мактаб спорт залида бўлиб ўтди. Унда ҳам юнусободлик қизлар ташаббусни ҳеч кимга бермай, биринчи ўринни эгалладилар, чилонзорликлар эса иккинчи поғонага жойлашди.

Бир гап билан айтганда, фикри тиниқ, дунёқараши теран ёшлар жисмоний жиҳатдан ҳам комил бўлишса, нур устига нур бўлади. "Умид ниҳоллари" сингари тизимли мусобақалардан кўзланган мақсад ҳам аслида шунга қаратилгандир.

МУХБИРИМИЗ
В.ГРАНКИН
олган сурат.

РАҚСДА ҚИЗҒИН НАФОСАТИ

Badiiy gimnastika

«Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми жамғармаси» томонидан 2006 йилдан бери «Қор парчаси» деб номланган бадиий гимнастика бўйича биринчилик ташкил этилиши анъанага айланган. Жорий йилдаги «Қор парчаси—2009» болалар клублари биринчилигида олти ёш таснифларидаги 50 нафардан ортиқ ёш спортчилар куч синашди.

— Гимнастика билан 5 ёшимдан буён шуғулланаман, — дейди ғолиблардан бири, саккиз ёшли Алсу Ягофарова. — Кичкиналигимда жуда шўх бўлганим учун отаонам мени бадиий гимнастика клубига беришга қарор қилишган. Ўзимга ҳам гимнастика жуда ёқади, чунки у энг нафис спорт тури, деб ўйлайман.

Иштирокчиларнинг ҳар бир чиқишларини етакчи мураббийлар, хусусан, Ўзбекистон ёшлар термаси катта мураббийси, халқаро даражадаги ҳакам Лилия Власова, гуруҳлар бўйича машғулотлар бош мураббийси Людмила Зраева, «Форум юниор спорт» мажмуаси мураббийси, биринчи тоифали ҳакам Екатерина Бабина баҳолаб боришди. Мусобақалар якунига кўра, энг яхши 18 нафар гимнастикачига дипломлар, қолган иштирокчиларга эса «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми жамғармаси» совғалари тақдим этилди.

Мусобақалар ёш гимнастикачилар, уларнинг ота-оналари ва мазкур спорт тури ишқибозлари учун ёрқин байрам тарзида ташкиллаштирилди. Шу билан бирга, бадиий гимнастика бўйича халқаро турнирлар ва Бохум шаҳри (Германия)да ўтказилган II Минтақаларо чемпионатда қатор нуфузли совринларни қўлга киритган «Форум юниор спорт» мажмуаси тарбияланувчилари томонидан кўргазмали чиқишлар тақдим этилди.

Наргиза
ИБРОҲИМОВА

Sport darvozasi

ҚУВАЙТ ЧЕТЛАШТИРИЛДИ

Халқаро Олимпия қўмитаси (ХОҚ) яқинда Қувайт олимпия қўмитасини дисквалификация қилди, деб хабар тарқатди "Ассошиэйтед Пресс" ахборот агентлиги. Бу қарор шуни англатадики, қувайтлик спортчилар эндиликда олимпиадада иштирок эта олишмайди.

Бунга ягона асос қилиб, мамлакат ҳукуматининг маҳаллий қўмитага ўтказаётган тазйиқи кўрсатилган. Ҳукумат вакиллари Қувайт олимпия қўмитаси масъулларининг ишига аралашиб, дастурларини либерал тарзда амалга оширишида халақит қилаётгани ХОҚқа маъқул келмагани рост. Қувайтга дастлабки огоҳлантириш 2007 йили берилганди. Аммо бу танбеҳлар орадан тўрт йил ўтса-да ўз кучини кўрсатмагач, марказий ташкилот кескин қарор чиқаришга мажбур бўлди.

Қувайт шу вақтга қадар бирор маротаба ҳам қишки олимпиадада қатнашмаган. Ёзги олимпиада ўйинларида атиги битта медаль олишга муваффақ бўлган, бу камондан ўқ узиш бўйича (бронза) Феҳаид ал-Дихани ҳисобига тўғри келади.

ХОККЕЙ МУНДИАЛИ ТУГАДИ

Канаданинг Саскачеван провинциясида бўлиб ўтган ёшлар ўртасида хоккей бўйича жаҳон чемпионатида АҚШ спортчилари зафар қучди. Америкалик хоккейчилар финал учрашувини мезбонларга қарши ўтказди. Кунботар юрт хоккейчиси Дерек Стэпаннинг ҳал қилувчи зарбасидан сўнг...

Муросасиз тарзда ўтган баҳснинг овер-таймига келибгина турнирнинг ягона ғолиби номига ойдинлик киритилди. Якуний ҳисоб 6:5 кўринишини олди. Канада ёшлари жамоаси унгача амалдаги жаҳон чемпиони деган унвонни ўзида сақлаб турганди. Аввалига тенг курашлар борди, кейин мезбонларнинг устунлиги кузатилди ва улар ҳисобда олдинга ҳам чиқиб олишди. Бироқ бор куч ва ғайратини ишга солиб, ташаббус учун курашган америкаликлар пировардида якуний натижанинг ўз фойдаларига ижобий ҳал этилишини таъминлай олди. Бронза медали учун Швеция ва Швейцария терма жамоалари беллашишди. Бунда шведлар йирик ҳисобда рақибларидан устун келишди — 11:4. Турнирнинг энг қимматли ўйинчиси (MVP) деб канадалик Жордан Эберле, энг яхши дарвозабон деб Бенжамин Конз (Швейцария) топилди.

БРИСБЕНДА ФИНАЛ ЯҚИН

"РИА Новости" агентлигининг хабар беришича, бельгиялик теннисчи Ким Клейстерс Австралиянинг Брисбен шаҳрида ўтказилаётган теннис бўйича халқаро турнирда муваффақиятли одимини давом эттирмоқда.

Ютуқ жамғармаси 220 минг доллар миқдоридаги маблағни ташкил этувчи мазкур турнирда Ким энг сўнгги ярим финалчига айланди. Чорак финалда у чехиялик рақибаси Люция Шафаржовага қарши кортга тушди ва 1 соату 25 дақиқа давом этган ажойиб матчда уч сет натижасига кўра, 6:1, 0:6, 6:4 ҳисобида баҳсни ўз фойдасига ҳал қилди. Энди Клейстерс олмониялик рақибаси Андреа Петковичга қарши курашишига тўғри келмоқда. Петкович бу манзилга қадар словакиялик Даниэла Хантуховани 6:4, 6:2 ҳисобида доғда қолдирган. Финал йўлланмаси учун курашаётган иккинчи жуфтликни яна бир белгиялик ракеткачи Жюстин Энен ва сербиялик Ана Иванович ташкил этмоқда.

Ҳурматли
Норхол ҚЎЧҚОРОВА!

Сизни таваллуд айёмингиз ва 50 ёшингиз билан чин қалбдан самимий табриклаймиз. Ёш авлод таълим-тарбияси йўлидаги масъулиятли меҳнатларингизни қадрлаймиз ва сизга соғлик-саломатлик, келгусидаги педагоглик ишларингизда муваффақиятлар тилаб қоламиз.

Ҳамиша шогирдларингиз ва фарзандларингиз ардоғида юринг.

Қамаши туманидаги 36-мактаб жамоаси, фарзандларингиз ва шогирдларингиз.

Тошкент давлат техника университети томонидан Пика Олег Степанович номига берилган 019950 рақамли рейтинг дафтарча йўқолганлиги туфайли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

TA'TIL TAASSUROTLARGA BOY O'TMOQDA

Ma'rifat
2010-yil 9-yanvar

Bayramlar bolajonlar bilan zavqli. Ularning sho'x o'yin-kulgilari davralarga o'zgacha fayz kiritadi. Ayniqsa, Yangi yilni qarshi olish jajji qalblarni uchqur xayollarga band etib, yangi-yangi orzular qanotida shirin tuyg'ularga oshno etadi. Ayni kunda o'tayotgan qishki ta'til kunlari bolajonlarimiz uchun ham dam olish, ham bilimlarini boyitish, iste'dodlariga sayqal berish, salomatliklarini mustahkamlab, kuch-quvvat bilan o'qishni davom ettirishlariga imkoniyat yaratayotgani bilan ham ahamiyatlidir. Albatta, buning uchun maxsus ish rejalari tuzilgan, chora-tadbirlar belgilangan.

Xatirchi tumanidagi O'quvchilar ijodiyot markazi ta'til kunlari har doimgidan ham gavjum. Bu yerda bir ming uch yuzu ellikka yaqin o'quvchilar mavjud o'ttiz uchta to'garaklarga qiziqish va iqtidorlariga monand tarzda jalb etilgan. Hamon ko'tarinki kayfiyatda tashkil etilib, davom ettirilayotgan Qorbobo va Qorqiz ishtirokidagi tadbirlar yigit-qizlarning bo'sh vaqtlarini mazmunli o'tkazish bilan birga yangi-yangi iste'dod sohiblarini kashf etishga ham xizmat qilmoqda.

— Ayniqsa, tadbirlarga kam ta'minlangan, jismoniy imkoniyatlari chegaralangan bolajonlarning taklif etilishi murg'ak qalblarni ezgulikka undash ma'nosida ham tarbiyaviy ahamiyatga egadir, — deydi Navoiy viloyati xalq ta'limi boshqarmasi xodimi Maysara Rahmatova. — Biz joylarda uyushtirilayotgan kechalar, uchrashuvlarda ana shu masalani ham nazardan chetda qoldirmaslikka urinayapmiz.

Darvoqe, ta'til davomida «Qanday yaxshi kumush qish», «Qorqizning salomi», «Omadli bo'l, Yangi yil!» kabi bayramona kechalar bilan birga kasb-hunar o'rgatish, san'at, rassomchilik kabi yo'nalishlardagi to'garaklar a'zolari tomonidan ham maxsus dasturlar tayyorlanmoqda. «Raqslar qanotida», «Sepli emas, epli bo'l!», «Toshkent — yosh ijodkorlar nigohida», «Ertaklar yaxshilikka yetaklar» kabi tadbirlar shular sirasiga kiradi. Uddaburon, chaqqon, orzu-o'ylarini o'z ishlarida namoyon eta olgan qo'li gul chevar Gulnora Sharipova tengdoshlari o'rtasida o'tkazilgan tanlovda birinchi o'rinni qo'lga kiritib, homiy Qorboboning sovg'asini qo'lga kiritdi.

O.OCHILOVA

Suratlarda Respublikamiz hududlaridagi madaniyat va san'at uylari, istirohat bog'larida tashkil etilayotgan bayram hamda qishki ta'til tadbirlaridan lavhalar aks etgan.

A.ABDULLAYEV, SH.OLIMOV (O'zA) va B.RIZOQULOV olgan suratlar.

Ma'rifat

TA'SIS ETUVCHILAR:
O'zbekiston Xalq ta'limi vazirligi, O'zbekiston Oliy va o'rta maxsus ta'lim vazirligi, O'zbekiston Ta'lim va fan xodimlari kasaba uyushmasi Markaziy Kengashi.

Bosh muharrir vazifasini vaqtincha bajaruvchi: Bahodir JOVLIYEV

Tahrir hay'ati: Rustam AHLIDINOV, Jumanazar BEKNAZAROV, Xurshid DO'STMUHAMMEDOV, Akmal ISLOMOV (mas'ul kotib), Mahmuda MURZAYEVA, Elshod NABIYEV, Husan NISHONOV (bosh muharrir o'rinbosari), Abdusamat RAHIMOV, Nurlan USMONOV (bosh muharrir o'rinbosari, "Учитель Узбекистана"), Aleksey CHUKARIN (mas'ul kotib, "Учитель Узбекистана"), Sa'dulla HAKIMOV.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida № 0067 raqam bilan ro'yxatga olingan.

INDEKS: 149, 150. G-23.
Tiraji 45514.
Hajmi 4 bosma taboq.
Ofset usulida bosilgan, qog'oz bichimi A-3.

Navbatchi muharrir: Rayhona XO'JAYEVA.

Navbatchi: Sherali NAMOZOV.

«Ma'rifat»dan materiallarni ko'chirib bosish tahririyat ruxsati bilan amalga oshirilishi shart. Tahririyatga yuborilgan materiallar muallifga qaytarilmaydi.
Ⓜ *belgisi ostida reklama materiallari beriladi.*

MANZILIMIZ: 100083, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32.

E-mail: info@marifat.uz
Web-site: www.marifat.uz

TELEFONLAR: mas'ul kotib—233-99-15, umumiy o'rta va maktabgacha ta'lim yangiliklari bo'limi — 236-53-16, fan, oliy va o'rta maxsus, kasb-hunar ta'limi yangiliklari bo'limi — 236-54-03, adabiyot, madaniyat, kasaba uyushmalari hayoti yangiliklari bo'limi — 236-54-26, ma'naviyat va maktabdan tashqari ta'lim yangiliklari bo'limi — 236-54-23, siyosat, xalqaro hayot va sport yangiliklari bo'limi — 236-55-58, reklama va marketing bo'limi — 233-42-92(faks), 236-54-17.

Bahosi sotuvda erkin narxda

Dizaynerlar
Liliya BINASHEVA,
Malohat TOSHOVA.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksionerlik kompaniyasi bosmaxonasi.
Korxona manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy

Bosishga topshirish vaqti — 21.00.
Topshirildi — 21.00
ЎзА якуни — 21.00